

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.07/30.12.2019.Yu.22.01 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК УНИВЕРСИТЕТИ

РАЖАБОВ НАРИМАН ШАРИФБАЕВИЧ

**ЭКОЛОГИК МЕЪЁРЛАШ ТИЗИМИНИ ҲУҚУҚИЙ ТАРТИБГА
СОЛИШ МАСАЛАЛАРИ**

12.00.06 – Табиий ресурслар ҳуқуқи. Аграр ҳуқуқ. Экологик ҳуқуқ

**юридик фанлар доктори (DSc) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2023

**Юридик фанлар доктори (DSc) диссертацияси автореферати
мундарижаси**

Оглавление автореферата диссертации доктора наук (DSc)

Contents of the Doctoral (DSc) dissertation abstract

Ражабов Нариман Шарифбаевич

Экологик меъёрлаш тизимини ҳуқуқий тартибга
солиш масалалари..... 3

Ражабов Нариман Шарифбаевич

Вопросы правового регулирования системы
экологического нормирования 35

Rajabov Nariman Sharifbaevich

Issues of legal regulation of the environmental
rationing system 65

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных научных работ
List of published scientific works..... 71

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.07/30.12.2019.Yu.22.01 РАҚАМЛИ
ИЛМий КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК УНИВЕРСИТЕТИ

РАЖАБОВ НАРИМАН ШАРИФБАЕВИЧ

**ЭКОЛОГИК МЕЪЁРЛАШ ТИЗИМИНИ ҲУҚУҚИЙ ТАРТИБГА
СОЛИШ МАСАЛАЛАРИ**

12.00.06 – Табиий ресурслар ҳуқуқи. Аграр ҳуқуқ. Экологик ҳуқуқ

**юримдик фанлар доктори (DSc) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2023

Фан доктори (Doctor of Science) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2021.2.DSc/Yu46. рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент давлат юридик университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (<https://tsul.uz/uz/fan/avtoreferatlar>) ва «ZiyoNET» Ахборот таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи:

Файзиев Шухрат Хасанович,
юридик фанлар доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Имомов Нурилло Файзуллаевич,
юридик фанлар доктори, профессор

Сафаров Джаҳонгир Исмаилович,
юридик фанлар доктори, доцент

Утегенов Онгарбай Дариябаевич,
юридик фанлар доктори, доцент

Етакчи ташкилот:

Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат университети

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат юридик университети ҳузуридаги Илмий даражалар берувчи DSc.07/30.12.2019.Yu.22.01 рақамли илмий кенгашнинг 2023 йил 17 январь куни соат 14-00 даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100047, Тошкент шаҳар, Сайилгоҳ кўчаси, 35-уй. Тел.: (99871) 233-66-36; факс: (99871) 233-37-48, e-mail: info@tsul.uz).

Диссертация билан Тошкент давлат юридик университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (1095-рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100047, Тошкент шаҳар, Сайилгоҳ кўчаси, 35-уй. Тел.: (99871) 233-66-36).

Диссертация автореферати 2023 йил 4 январда тарқатилди.

(2023 йил 4 январдаги 20 -рақамли реестр баённомаси).

И.Р. Рустамбеков

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси, юридик фанлар доктори, профессор

Д.Ю. Хабибуллаев

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш котиби, юридик фанлар номзоди, профессор

С.С. Гулямов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш ҳузуридаги Илмий семинар раиси, юридик фанлар доктори, профессор

КИРИШ (юримдик фанлар доктори (DSc) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунёда экологик масалаларни ҳал қилиш инсоният олдида турган энг мухим мураккаб ва устувор вазифалар қаторида эътироф этилмоқда. Бутунлай экологик тизимни издан чиқиши, атроф табиий муҳитга эътиборсиз бўлиш, ҳозирги глобализация шароитида иқтисодий манфаатларни ҳар томонлама устун қўйилиши, табиий ресурслардан илмий асосланмаган ҳолда ҳамда чегарасиз тарзда фойдаланиш пировардида атроф табиий муҳит ҳолатининг салбий ўзгаришига сабаб бўлди. Табиат неъматларининг инсоният томонидан ўзлаштирилиши улар эҳтиёжларини қондиришга хизмат қилиб, бошқа бир томондан эса табиат бойликларини борган сайин камайиб кетишига олиб келмоқда.

Жаҳонда инсоният таъсири натижасида атроф табиий муҳитнинг барча қисмида салбий ўзгаришлар юз берди, бу эса, ўз навбатида инсон саломатлигига жиддий таъсир кўрсатди, таъбир жоиз бўлса, табиат қонуниятлари бузилиши туфайли инсон ирсияти ҳам ҳалокатга юз тутди.

Республикада ҳам, табиат неъматларининг ҳолати, қолаверса, сувларнинг танқислиги, ерларнинг шўрланиши, ўсимлик ва ҳайвонот дунёсининг камайиб кетиши, атмосфера ҳавоси ва сувларнинг ифлосланиши тўғрисидаги маълумотлар бунга яққол мисолдир. Бу эса, инсон томонидан табиатга етказилган зарар инсоният табиатдан ўз манфаати учун шафқатсизларча фойдалана бошлаганининг белгисидир.

Президент Ш.Мирзиёев, “кун тартибидаги экологик муаммолар алоҳида долзарблик касб этмоқда. Бундай формат иқлимга мослашиш лойиҳаларини илгари суриш, чўлланишга ва тупроқ деградациясига қарши курашиш, сувни тежайдиган технологияларни жорий этишдаги ҳамкорлик самарадорлигини оширишга имкон беради. Бу масала Орол денгизи экологик фожеасининг ҳалокатли оқибатларини бартараф этиш нуқтаи назаридан алоҳида долзарб аҳамиятга эга”, - дея эътироф этади¹.

Қолаверса, инсон томонидан табиатга етказилаётган зарарлар шундан далолат берадики, бу инсониятнинг ўз манфаатлари йўлида табиатдан аёвсиз равишда фойдалана бошлади. Вужудга келган салбий оқибатларнинг асосий сабаби табиат бойликларидан илмий асосланмаган ҳолда ҳеч қандай чегара ёки меъёрга риоя этмасдан фойдаланиш, атроф-табиий муҳитни муҳофаза қилиш талабларини бажармаслик ҳисобланади. Яъни, экологик нормативлардан ортиқ равишда табиатдан фойдаланиш ёхуд табиатга зарарли таъсирлар кўрсатилиши негизида мавжуд қонунчилик нормалари қўпол равишда бузилишига олиб келади. Бундай муаммоларни бартараф этиш учун экологик меъёрлашнинг ҳуқуқий механизмларини такомиллаштиришни тақозо этади. Мазкур муаммоларни фақатгина, экологик меъёрлашни тўғри ташкил этилиши асносида ҳал этиш мумкин.

¹ Президент Шавкат Мирзиёевнинг ШХТга аъзо давлатлар раҳбарлари Кенгаши мажлисидаги нутқи / <https://review.uz/oz/post/vstuplenie-prezidenta-shavkata-mirziyoyeva-na-zasedanii-soveta-glav-gosudarstvchlenov-shos-polny-tekst>

Экологик меъёрлаш экологик хавфсизликни таъминлашда превентив механизмлардан бири сифатида муҳим аҳамиятга эгадир. Чунончи, ҳар бир давлат ўз олдига табиий ресурслардан самарали фойдаланиш, атроф-муҳитга антропоген таъсир кўрсатишнинг йўл қўйиладиган даражада чекловлари, шароитлари ва меъёрларини табиатни ўзига хос хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда ўрнатилиши зарурлигини мақсад қилиб қўяди. Экологик меъёрлашга оид энг устувор йўналишлардан бири бўлиб экологик меъёрлаш тизимини ривожлантириш, барча хўжалик ва ўзга фаолиятни амалга оширувчи субъектлар учун ягона бўлган талаблар, чекловларни ўрнатиш ҳамда уни бажарилишини таъминлашдан иборатдир.

Ушбу диссертация тадқиқоти Ўзбекистон Республикасининг Ер кодекси (1998), “Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги (1992), “Стандартлаштириш тўғрисида”ги (1993), “Маҳсулот ва хизматларни сертификатлаштириш тўғрисида”ги (1993) қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги “2022 – 2026 йиллирга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги ПФ-60-сон, 2019 йил 30 октябрдаги “2030 йилгача бўлган даврда Ўзбекистон Республикасининг Атроф муҳитни муҳофаза қилиш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида ПФ-5863-сон, 2017 йил 21 апрелдаги “Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида давлат бошқаруви тизимини такомиллаштириш тўғрисида”ги ПФ-5024-сон, 2020 йил 2 мартдаги “2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили”да амалга оширишга оид Давлат дастури тўғрисида”ги ПФ-5953-сон фармонлари ҳамда бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларининг ижросини муайян даражада амалга оширишга хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига боғлиқлиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. «Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари» устувор йўналиши доирасида амалга оширилган.

Диссертациянинг мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи². Экологик меъёрлаш тизимини ҳуқуқий тартибга солиш соҳасида экологик-ҳуқуқий тадқиқотлар ривожланган мамлакатларнинг олий таълим муассасалари ва илмий марказларида, жумладан National Institute of Justice, Southwest University (АҚШ), Oxford University, Cambridge University, Manchester University, Centre for Environmental Policy Imperial College London (Буюк Британия), Humboldt Universitat, The University of Applied Sciences

² Диссертациянинг мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи: <https://www.cam.ac.uk>; <https://www.wessex.ac.uk>; <https://www.utoronto.ca>; <https://www.web.mit.edu>; <https://www.uniroma1.it>; <https://www.uniroma3.it>; <http://www.osaka-u.ac.jp/en/index.html>; <http://www.kindai.ac.jp/english/>; <http://www.iuac.res.in>; <http://www.unvienna.org>; <http://www.pku.edu.cn>; <http://www.msu.ru>; <http://www.spb.ru>.

Mittweida (Германия), The University of Sorbonne (Франция), Kyoto University (Япония), National University of Seoul (Жанубий Корея), IUCN Academy of Environmental Law, Yale Center for Environmental Law and Policy, Odum School of Ecology University of Georgia, Massachusetts Institute of Technology, Indiana University (АҚШ), Warsaw University of Life Sciences (Польша), Uppsala universitet, Stockholm Environmental Law and Policy Centre (Швеция), Utrecht University, University of Groningen, Maastricht University (Нидерландия), The Centre for Environmental Law (Ҳиндистон), Centre for Environmental Law Macquarie University (Австралия), Academy of European Law (Венгрия), Tartu Ülikool, Estonian Environmental Law Centre (Эстония), Москва давлат университети (Россия), Беларусь давлат университетининг Халқаро давлат экология институти (Беларусь), Тошкент давлат юридик университетиди тадқиқотлар олиб борилмоқда.

Жаҳонда табиий ресурслардан фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилишни меъёрлаш, айниқса экологик меъёрлаш тизимини ҳуқуқий тартибга солиш масаласида олиб борилган илмий тадқиқотлар натижасида жумладан, экологик меъёрлаш тушунчасининг моҳияти (Southwest University, University of Illinois, Institute Zurich), экологик меъёрлаш тизими ҳуқуқий асосларини ривожланиш босқичлари (National University Australia), экологик меъёрлаш тизими ҳозирги ҳолати ва ривожланиш истиқболлари (Paris Lodron Universität Salzburg) экологик меъёрлаш соҳасида умумий ва махсус ваколатли давлат бошқарув органлари фаолиятлари (National Institute of Justice), экологик меъёрлаштириш жараёнида хўжалик юритувчи субъектлар ва фуқаролик жамияти институтларининг ҳамкорлик йўналишлари (University of Sannio, Waseda University, Griffith University), атроф табиий муҳитга таъсир этиш ҳамда атроф табиий муҳит сифатини таъминлаш соҳасидаги нормативларнинг зарурлиги асосланган ва исботланган.

Дунёда экологик меъёрлаш тизимини ҳуқуқий тартибга солиш масалаларини ўрганиш борасида қатор тадқиқотлар, жумладан, қуйидаги йўналишларда тадқиқотлар олиб борилмоқда: экологик меъёрлаш тизимини такомиллаштириш юзасидан ташкилий-ҳуқуқий механизмни янада ривожлантириш, унинг инсонларни экологик ҳуқуқларини муҳофаза этиш ва таъминлашдаги аҳамиятини ошириш ҳамда уни амалга ошириш механизмини такомиллаштириш, экологик меъёрлашни амалга ошириш тизимида сарфланадиган харажатни камайтириш ва бошқалар.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Экологик меъёрлаш тизими у ёки бу жиҳатдан амалга ошириш масалалари мамлакатимиз олимларидан – И.Ж.Жалилов, У.Б.Бозоров, Й.О.Жўраев, М.Б.Усмонов, Ж.Т.Ҳолмўминов, Н.К.Скрипников, Ш.Х.Файзиев, У.Т.Аюбов, Д.Сафаров, М.Нурматов, О.Х.Нарзуллаев, О.Утегенов, Қ.Бабаназаров ва бошқаларнинг илмий ишларида муайян даражада ўрганилган³.

Хорижий мамлакатлар мисолида кўриб чиқадиган бўлсак В.В.Петров,

³ Мазкур олимлар ишларининг тўлиқ рўйхати диссертациянинг фойдаланилган адабиётлар рўйхатида кўрсатилган

М.М.Бринчук, Б.В.Ерофеев, О.С.Колбасов, О.И.Крассов, О.Л.Дубовик, А.С.Широбоков⁴, А.Т.Сергеев, Ф.А.Амирджанянц, Х.Ч.Бўриев, Д.Е.Ванин, Г.Д.Крылова, М.Н. Лунев, В.М. Огрызков, С.С. Руецкая, В.Н. Шаприцкий, В.В.Круглов, Н.И.Хлуденёва, С.Н.Русин ва бошқалар⁵ тадқиқот олиб борганлар, бироқ юқорида номлари келтирилган олимларнинг ишлари ўша давлатлар қонунчилиги нуқтаи назаридан ўрганилган, шу боис, республикамизда экологик меъёрлаш тизимини такомиллаштириш бўйича тадқиқотларни олиб борилиши такомиллаштирилганлиги муносабати билан муаммонинг долзарблиги янада ортади, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш масаласига бевосита дахлдор бўлганлиги боис чуқур ва мустақил тадқиқот ўтказишни тақозо этади.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Илмий тадқиқот иши Тошкент давлат юридик университети “Экологик қонунчиликни такомиллаштириш масалалари ва қонунчиликдаги ўзгаришларни амалиётга жорий этиш масалалари” мавзусидаги илмий-тадқиқот ишларининг таркибий қисми ҳисобланади.

Тадқиқотнинг мақсади экологик меъёрлашни ҳуқуқий тартибга солишни такомиллаштиришни назарий ва амалий нуқтаи назардан ўрганиш, ушбу соҳадаги қонун ҳужжатлари ва ҳуқуқни қўллаш амалиёти самарадорлигини оширишга қаратилган таклиф ҳамда тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

- экологик меъёрлашга оид қонунчилик ҳужжатлари тизими ҳамда экологик меъёрлаш амалиётини таҳлил қилиш;

- экологик меъёрлаш ва ушбу соҳага оид бошқа муҳим тамойил, категориялар ва тушунчаларнинг юридик табиатини очиб бериш;

- экологик меъёрлашни вужудга келиш ҳамда ривожланиш тарихини ўрганиш;

- экологик меъёрлаш соҳасидаги қонунчиликнинг ривожланиш босқичларини тадқиқ этиш;

- атроф-табiiй муҳитни муҳофаза қилиш, табiiй ресурслардан оқилона фойдаланиш ҳамда аҳолининг экологик хавфсизлигини таъминлашда экологик меъёрлашнинг ўрни ва аҳамиятини ёритиш;

- экологик меъёрлаш жараёни ва ушбу соҳадаги ҳуқуқни қўллаш амалиётини ўрганиш ҳамда мавжуд муаммоларини аниқлаш ва уларни ечимини топиш;

- экологик меъёрларни тизимлаштириш ва таснифлаш орқали маълум турлар ва шаклларга ажратишни илмий-ҳуқуқий жиҳатдан асослаш, алоҳида табiiй ресурсларнинг сифат ва сонини белгиловчи меъёрларнинг хусусиятларини аниқлаш;

⁴ Мазкур олимлар ишларининг тўлиқ рўйхати диссертациянинг фойдаланилган адабиётлар рўйхатида кўрсатилган

⁵ Мазкур олимлар ишларининг тўлиқ рўйхати диссертациянинг фойдаланилган адабиётлар рўйхатида кўрсатилган

- экологик меъёрларнинг экологик муносабатларни тартибга солувчи қонун ҳужжатлари билан бирлиги ва атроф табиий муҳитни муҳофаза қилиш ҳамда табиий ресурслардан оқилона фойдаланишни тартибга солишнинг элементи сифатида ёритиш;

- экологик меъёрлашга оид қонун ҳужжатларини такомиллаштиришга қаратилган тавсиялар ишлаб чиқиш;

- табиий ресурслардан фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш соҳасида экологик меъёрларни ўрнатиш ҳамда уларга риоя этилиши юзасидан жамоатчилик ва фуқаролик жамияти институтлари иштироки бўйича таклифлар шакллантириш;

- айрим хорижий мамлакатларнинг табиий ресурслардан фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш соҳасида меъёрлаш масаласига доир қонунчилигини таҳлил қилиш;

- экологик меъёрлаш бўйича хорижий қонунчиликни ва амалиётни ўрганиш, уларнинг шу соҳадаги ютуқлари асосида миллий қонунчиликни такомиллаштиришга қаратилган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти экологик меъёрлаш тизимини ҳуқуқий тартибга солишни такомиллаштиришни модернизациялаш (янгилаш, замон талабларига мувофиқ такомиллаштириш) билан боғлиқ ҳуқуқий муносабатлар тизими ҳисобланади.

Тадқиқотнинг предмети Ўзбекистон Республикаси ва хорижий мамлакатларнинг экологик меъёрлаш соҳасидаги қонун ҳужжатлари, уларни қўллаш амалиёти, юридик фанда мавжуд бўлган концептуал ёндашувлар ва илмий-назарий қарашлар ва ҳуқуқий категориялардан иборат.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда кузатиш, таҳлил қилиш (статистик, қиёсий ва ҳ.к.), умумлаштириш, мантиқийлик, тарихий ҳамда статистик маълумотларнинг тизимли таҳлили каби тадқиқот усуллари қўлланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасидаги давлат органларининг фавқулодда вазиятлар ҳамда бошқа ҳодисалар натижасида атроф табиий муҳитга ўрнатилган меъёрдан ортиқ миқдор ёки даражада зарарланган ёхуд ифлосланган тақдирда бундай фалокат ва ҳодисалар тўғрисида жамоатчиликни дарҳол хабардор қилиш бўйича мажбуриятларини мустаҳкамлаш зарурлиги асослаб берилган;

радиоактив ва кимёвий моддаларни ишлаб чиқариш, сақлаш, ташиш, қўллаш, зарарсизлантириш ва кўмиб ташлаш жараёнида ушбу соҳада банд бўлган субъектлар экологик меъёр талабларига, ушбу белгиланган нормативлар ва қоидаларга риоя қилишлари, уларни қўллашнинг зарарли оқибатларини олдини олиш ва бартараф этиш чора-тадбирларини кўришлари лозимлиги, агарда бундай экологик нормативлардан ошиб кетилгани тақдирда тегишли махсус ваколатли давлат органларига зудлик билан хабар беришлари шарт эканлиги асосланган;

Ўрмонларни муҳофаза қилиш ва улардан оқилона фойдаланиш соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий ва муҳим бўлган йўналишларидан бири сифатида ушбу соҳада экологик меъёрларни белгилаш фаолияти энг устувор масалалардан бири бўлиши лозимлиги, шу билан бирга ўрмонларни муҳофаза қилиш чораларидан бири сифатида ушбу соҳада экологик нормативларни ўрнатиш ва белгилаш лозимлиги тўғрисидаги, шунингдек, ушбу соҳада амалга оширилиши лозим бўлган барча тадбирларни экологик нормативлар талабларига мос равишда амалга ошириш ҳамда унга риоя этиш шартлиги асослаб берилган;

Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат кўмитасининг ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш соҳасида ваколатлари қаторига ўсимлик дунёси объектларидан фойдаланиш нормалари ҳамда нормативларини ишлаб чиқишни ташкил этиш ва тасдиқлаш лозимлиги асосланган;

экологик жиҳатдан хавфли маҳсулот ҳамда чиқиндиларни республика ҳудудига олиб кириш ва унинг ҳудудидан олиб чиқиш учун экологик сертификат олиш учун мурожаат қилган субъектга экологик сертификат талаблари бир йил мобайнида мунтазам равишда бузилса ҳамда унинг натижасида инсон ҳаёти ва соғлиғига ёки атроф-муҳитга зарар етказилишига сабаб бўлса бекор қилиниши лозимлиги асослаб берилган;

мамлакатимизда атроф табиий муҳитнинг ҳолатини баҳолашга оид чораларни тегишли тартибда олинган кўрсаткичларни атроф табиий муҳитнинг сифати ҳолати бўйича нормативлари билан таққослаган ҳолда бажарилиши, қолаверса, ифлосланиш манбалари мониторинги бўйича ишлар экологик нормативлардан келиб чиққан ҳолда ҳам ўтказилиши лозимлиги асосланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари куйидагилардан иборат:

Экологик меъёрлаш ҳар бир табиий ресурс бўйича алоҳида ёндашув сифатида бўлиб, ягона бир экологик меъёр мавжуд эмаслиги, маълум бир табиий ресурсга нисбатан белгиланган экологик меъёр, аввало, ушбу табиий ресурснинг муҳофаза қилинишига қаратилган бўлса, кейинчалик эса, бошқа табиий ресурсларнинг муҳофазасини таъминловчи меъёрлар эканлиги асослантирилди;

амалдаги қонунчиликда экологик меъёрлашни амалга ошириш механизми тегишли равишда тизимли камчиликларга эгалиги, хусусан, ўрнатилмаган меъёрлар ҳозирда хўжалик юритувчи субъектларнинг иқтисодий ва технологик имкониятлари доирасида амалга оширилмаётганлиги, мавжуд табиий экологик тизимни муҳофазасини лозим даражада таъминламаётганлиги, табиий-ҳудудий иқлим шароитлари ва ҳудудларнинг бошқа бир табиий хусусиятлари ҳисобга олинмаган ҳолда амалга оширилаётганлиги, экологик меъёрлаш тизими юзасидан ягона бир тушунчалар мажмуаси ишлаб чиқилмаганлиги, бу эса ўз навбатида ушбу тушунчани талқин қилишда турли муаммолар вужудга келаётганлиги асослантирилди;

ушбу соҳадаги барча хўжалик юритувчи субъектларга экология соҳасидаги ваколатли давлат органларига ушбу зарарли таъсирларни камайтириш бўйича режаларни қай даражада бажарилиши юзасидан тегишли ҳисоботларни тақдим этиш мажбурияти жорий этилиши асослантилди;

экологик меъёрлаш бўйича ҳуқуқий муносабат қонунда белгиланган талабларга асосан вужудга келиши ва моҳиятан ушбу муносабатлар давлат бошқарув муносабатларига тааллуқли эканлиги, бунда, экологик меъёрлаш муносабатларининг бир тарафи бўлиб ҳар доим давлат органи эканлиги, ҳамда экологик меъёрлаш табиий ресурслардан фойдаланиш, атроф табиий муҳитга зарарли таъсир кўрсатишга рухсат беришнинг алоҳида бир ўзига хос элементи эканлиги асослантилди.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги расмий манбалардан олинганлиги, халқаро тажриба ва миллий қонун ҳужжатларининг ўзаро таҳлил қилингани, хулоса, таклиф ва тавсияларнинг амалиётда жорий этилгани, олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқлангани билан изоҳланади. Хулосалар тадқиқот мақсади ва вазифаларининг ечимини топиш борасидаги муаллифлик қарашлари, таклиф-мулоҳазалари, қиёсий таҳлилларга асосланган бўлиб, тегишли ўринларда иқтибослар, статистик материаллар билан расмийлаштирилган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқотнинг илмий аҳамияти ундаги илмий-назарий хулосалар, таклиф ва тавсиялардан келгусидаги илмий ишларда, қонун ижодкорлигида, ҳуқуқни қўллаш амалиётида, экология ва табиий ресурслар соҳасига доир қонун ҳужжатлари нормаларини шарҳлашда, миллий қонунчиликни такомиллаштириш ҳамда юриспруденциянинг мазкур йўналишдаги фанларини илмий-назарий жиҳатдан бойитишда фойдаланиш мумкинлигида намоён бўлади. Тадқиқот ишининг назарий жиҳатларига таяниш келгусида шу соҳа билан боғлиқ мавзуларда янги илмий тадқиқотлар олиб бориш имконини беради.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти амалдаги экологик қонунчиликни такомиллаштириш, Ўзбекистон Республикасининг экологик сиёсатни шакллантиришда, ҳуқуқни қўллаш амалиётини такомиллаштиришда, шунингдек, олий ўқув юртларида экология ва табиий ресурслар ҳуқуқи соҳасидаги фанларни ўқитишда фойдаланиш мумкин.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти экологик меъёрлаш тизимини тартибга солувчи миллий қонунчиликни такомиллаштиришда, Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги ҳузуридаги Техник жиҳатдан тартибга солиш агентлиги органлари фаолиятини тартибга солувчи буйруқ ва йўриқномаларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритишда ҳамда ваколатли давлат органлари фаолиятини такомиллаштиришга бағишланган мақсадли давлат дастурларини ишлаб чиқишга хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Тадқиқот иши бўйича олинган илмий натижалардан қуйидагиларда фойдаланилган:

Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасидаги давлат органларининг фавқулодда вазиятлар ҳамда бошқа ҳодисалар натижасида атроф табиий муҳитга ўрнатилган меъёрдан ортиқ миқдор ёки даражада зарарланган ёхуд ифлосланган тақдирда бундай фалокат ва ҳодисалар тўғрисида жамоатчиликни дарҳол хабардор қилиш бўйича мажбуриятларини мустақамлашга доир таклифи Ўзбекистон Республикасининг 1992 йил 9 декабрдаги ЎРҚ-754-сон “Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги Қонунининг 30-моддасида ўз ифодасини топган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Аграр, сув хўжалиги масалалари ва экология қўмитасининг 2021 йил 15 декабрдаги № 10-11/6-сонли далолатномаси). Ушбу таклифнинг қабул қилинганлиги ваколатли органларнинг мазкур соҳадаги фаолиятини самарали ҳуқуқий тартибга солишга хизмат қилган;

радиоактив ва кимёвий моддаларни ишлаб чиқариш, сақлаш, ташиш, қўллаш, зарарсизлантириш ва кўмиб ташлаш жараёнида ушбу соҳада банд бўлган субъектлар экологик меъёр талабларига, ушбу белгиланган нормативлар ва қоидаларга риоя қилишлари, уларни қўллашнинг зарарли оқибатлари олдини олиш ва бартараф этиш чора-тадбирларини кўришлари лозимлиги, агарда бундай экологик нормативлардан ошиб кетилгани тақдирда тегишли махсус ваколатли давлат органларига зудлик билан хабар беришлари шарт эканлиги тўғрисидаги ушбу таклифи Ўзбекистон Республикасининг 1992 йил 9 декабрдаги ЎРҚ-754-сон “Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги Қонунининг 42-моддасида ўз ифодасини топган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Аграр, сув хўжалиги масалалари ва экология қўмитасининг 2021 йил 15 декабрдаги № 10-11/6-сонли далолатномаси). Ушбу таклифни қабул қилинганлиги мазкур соҳада банд бўлган субъектлар маъсулиятини янада самарали ҳуқуқий тартибга солишга хизмат қилган;

ўрмонларни муҳофаза қилиш ва улардан оқилона фойдаланиш соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий ва муҳим бўлган йўналишларидан бири сифатида ушбу соҳада экологик меъёрларни белгилаш фаолияти энг устувор масалалардан бири бўлиши лозимлиги, шу билан бирга ўрмонларни муҳофаза қилиш чораларидан бири сифатида ушбу соҳада экологик нормативларни ўрнатиш ва белгилаш лозимлиги тўғрисидаги, шунингдек, ушбу соҳада амалга оширилиши лозим бўлган барча тадбирларни экологик нормативлар талабларига мос равишда амалга ошириш ҳамда унга риоя этиш шартлиги тўғрисидаги таклифи Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 16 апрелдаги янги таҳрирда қабул қилинган ЎРҚ-475-сон “Ўрмон тўғрисида”ги Қонунининг 10, 17 ва 34-моддаларида ўз ифодасини топган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Аграр, сув хўжалиги масалалари ва экология қўмитасининг 2021 йил 15 декабрдаги № 10-11/6-сонли далолатномаси). Ушбу таклифнинг қабул қилинганлиги ўрмон соҳасида экологик нормативларни амалда самарали қўлланилишини кучайтиришга оид ҳуқуқий механизмларни такомиллаштиришга хизмат қилган;

Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш соҳасида ваколатлари қаторига ўсимлик дунёси объектларидан фойдаланиш нормалари ҳамда нормативларини ишлаб чиқишни ташкил этиш ва тасдиқлаш лозимлиги тўғрисидаги таклифи Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 21 сентябрда янги таҳрирда қабул қилинган ЎРҚ-409-сон “Ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида”ги Қонунининг 10, 11 ва 44-моддаларида ўз ифодасини топган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Аграр, сув хўжалиги масалалари ва экология қўмитасининг 2021 йил 15 декабрдаги № 10-11/6-сонли далолатномаси). Ушбу таклифлар ўсимлик дунёси объектларидан фойдаланишда экологик нормативларни амалда самарали қўлланилишини кучайтиришга оид ҳуқуқий механизмларни такомиллашувига хизмат қилган;

экологик жиҳатдан хавфли маҳсулот ҳамда чиқиндиларни республика ҳудудига олиб кириш ва унинг ҳудудидан олиб чиқиш учун экологик сертификат олиш учун мурожаат қилган субъектга экологик сертификат талаблари бир йил мобайнида мунтазам равишда бузилса ҳамда унинг натижасида инсон ҳаёти ва соғлиғига ёки атроф-муҳитга зарар етказилишига сабаб бўлса бекор қилиниши лозимлиги ҳақидаги таклифлар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 16 февралдаги “Экологик хавфли маҳсулотлар ва чиқиндиларни Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кириш ва республика ҳудудидан олиб чиқиш тартибини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 75-сон Қарори билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кириш ва республика ҳудудидан олиб чиқишда экологик хавфли маҳсулотлар ва чиқиндиларни мажбурий экологик сертификатлаштириш тартиби тўғрисида Низом”да ўз ифодасини топган (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Юридик таъминлаш бошқармасининг 2021 йил 29 декабрдаги 12/21– 62 – сон маълумотномаси). Ушбу таклиф экологик хавфли маҳсулот ва чиқиндилар билан муомалада бўлиш юзасидан тегишли муносабатларда экологик сертификатлаштириш тизимини самарали амалга ошишига хизмат қилган;

мамлакатимизда атроф табиий муҳитнинг ҳолатини баҳолашга оид чораларни тегишли тартибда олинган кўрсаткичларни атроф табиий муҳитнинг сифати ҳолати бўйича нормативлари билан таққослаган ҳолда бажарилишини назарда тутувчи, қолаверса, ифлосланиш манбалари мониторинги бўйича ишлар экологик нормативлардан келиб чиққан ҳолда ҳам ўтказилиши лозимлиги бўйича таклифлар Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 5 сентябрдаги 737-сон қарори билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикасида атроф табиий муҳитнинг давлат мониторинги тўғрисида Низом”да ўз ифодасини топган (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Юридик таъминлаш бошқармасининг 2021 йил 29 декабрдаги 12/21– 62 – сон маълумотномаси). Ушбу таклифни жорий этилиши атроф табиий муҳитга зарарли таъсир қилиш хавфи юқори бўлган янги ишга

тушириладиган хўжалик субъектларининг атроф муҳитга бўлган таъсири ҳамда бошқа зарарли таъсирларни тартибга солишни таъминлаш самарадорлигини ошишига хизмат қилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 23 та илмий анжуманда, жумладан 6 та халқаро, 17 та республика миқёсида ўтказилган илмий-амалий конференция ва давра суҳбатларида синовдан ўтган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 29 та илмий иш, жумладан, 2 та монография, 27 та илмий мақола диссертациянинг асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган ОАК нашрлари (8 та хорижий нашрларда) чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 302 бетни ташкил қилади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертация ишининг **кириш** (докторлик диссертацияси аннотацияси) қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асослантилган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига боғлиқлиги, диссертациянинг мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, диссертация мавзусининг диссертация бажарилаётган олий таълим ва илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги, тадқиқотнинг объекти ва предмети, тадқиқотнинг усуллари, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижаси, тадқиқот натижаларининг ишончлилиги, тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти, тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши, тадқиқот натижаларининг апробацияси, тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши, диссертациянинг ҳажми ва тузилиши ёритилган.

Диссертациянинг **“Экологик меъёрлаш тизими тушунчаси, аҳамияти ва ҳуқуқий асослари”** деб номланган биринчи бобида экологик меъёрлашнинг тушунчаси, аҳамияти ва ўзига хос хусусиятлари, экологик меъёрлаш тизими ҳуқуқий асосларини ривожланиш босқичлари, экологик меъёрлаш ҳуқуқий асослари тизими ўзига хос хусусиятлари, экологик меъёрлаш тизими ҳозирги ҳолати ва ривожланиш истиқболлари илмий таҳлил қилинган. Экология ҳуқуқи доктринасида экологик меъёрлаш муҳим бўлган экологик – ҳуқуқий чоралар сифатида қаралиши, экологик-ҳуқуқий нормаларга риоя этилиши ташкилий-ҳуқуқий чора ҳисобланган экологик меъёрлаш ёрдамида таъминланиши лозим деган хулосага келинган. Албатта, экологик меъёрлаш бу, давлатнинг экологик функциясини амалга оширишнинг ташкилий-ҳуқуқий шакли ҳисобланади ва бунда атроф табиий муҳитга таъсирнинг йўл қўйиладиган чегараларини ўрнатиш, хўжалик ҳамда ўзга фаолиятнинг атроф табиий муҳитга зарарли таъсирини оғоҳлантириш каби олиб бориладиган фаолиятида намоён бўлади, дея эътироф этилган.

Диссертант бир қатор олимлар тадқиқотларининг таҳлили натижасида экологик меъёрлашнинг устувор ривожланишни таъминлашнинг экологик-ҳуқуқий чораси сифатида ва қулай атроф табиий муҳит бевосита унинг сифати билан чамбарчас боғлиқ эканлигини, атроф муҳитни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш механизмида тизимни шакллантирувчи марказий элемент сифатида эканлигини, унинг атроф муҳитга нисбатан кўрсатиладиган зарарли таъсирнинг тури, миқдори ҳамда мазмунини аниқлаш жараёни ёки алоҳида тарзда инсон ҳаёти ва соғлигига ҳамда бошқа объектларга таъсир кўрсатмасликни ҳисобга олишни тақозо қилувчи алоҳида муҳит ташкил қилувчи таркибий қисмлар ҳисобланишини эътироф этиб, экологик меъёрлаш институтининг экология ҳуқуқи назариясида мунозарали масала эканлигини, ҳамда экологик норматив (меъёрлар)нинг шакллари деганда, шундай меъёрнинг маълум бир ҳужжатда белгиланиши тушунилиши лозим, деган фикрга келган.

Тадқиқотчи экологик меъёрларни амал қилиш ҳудудлари бўйича умумий ва локал (маҳаллий) меъёрларга бўлишни, чунончи, умумий экологик меъёрлар бу, экологик стандартлар, маҳаллий экологик меъёрлар эса ифлослантирувчи моддаларнинг йўл қўйиладиган даражада ташлаш (чиқариш) нормативлари ҳисобланишини эътироф этган. Экологик меъёр ёхуд норматив тушунчасига ягона бир тушунча ва таърифни келтиришга эҳтиёж борлигини таъкидлайди. Чунки илмий адабиётларда мазкур тушунча турлича талқин қилиниши, ягона бир тушунча мавжуд эмаслиги, бу эса пировардида турли қарама-қаршликларга, қонунчиликда бўшлиқлар, турли англашилмовчиликларни келтириб чиқариши мумкинлигини эътироф этади. Экологик меъёр тушунчасининг қуйидагича муаллифлик талқини ишлаб чиқилган, яъни экологик меъёр бу, атроф табиий муҳитнинг муҳофазаси юзасидан белгиланган аниқ бир талабдир, экологик меъёрлаш эса, ушбу талабни белгилаш бўйича аниқ бир жараённи англантишини, шунингдек, атроф табиий муҳит нормативлари қуйидаги кўрсаткичларни белгилашга қаратилганлигини таъкидлайди, яъни: табиий ресурслардан фойдаланиш ҳажмларини белгилаш; табиий объектларнинг умумий сифат кўрсаткичлари; инсон саломатлигига зарарли таъсир кўрсатиш меъёрлари; табиий объектларга зарарли таъсир кўрсатишнинг миқдори деб ҳисоблайди.

Тадқиқот ишида экологик меъёрлашнинг экологик тизимга нисбатан бўладиган йўл қўйиладиган таъсирни баҳолаш фаолияти ёхуд функцияси эканлиги, йўл қўйиладиган таъсир деганда эса, ушбу таъсир остида экологик тизим ҳолатининг табиий жиҳатдан салбий ўзгаришига олиб келмайдиган, тирик организмларда номақбул бўлган салбий оқибатларни келтириб чиқармайдиган ҳамда атроф табиий муҳит сифатининг ёмонлашувига олиб келмайдиган таъсир тушунилиши лозимлиги қайд этилган.

Тадқиқотчи экологик меъёрларни ҳуқуқий нормалар тоифасига кириш ёки кирмаслик масаласига аниқ бир ойдинлик киритиш мақсадида турли ҳил олимлар фикр-мулоҳазаларини ўрганиб, бугунги кунгача мунозарали бўлиб келган экологик меъёрларни қонунларда белгиланмасдан, балки махсус

техник нашрларда чоп этилиши қайд этади ва бундай тоифадаги нормаларга илмий тавсияланган, услубий қўлланма сифатидаги ҳужжатлардаги нормаларни мисол тариқасида келтириб, экологик меъёрни меъёр сифатида тасдиқланганидан кейин шаклланиши ва мажбурий қўлланилишини асослаб, уларни ҳуқуқий норма шаклида бўлиши лозимлигини таъкидлайди.

Шу нуқтаи назардан, экологик меъёрлаш ҳар бир табиий ресурс бўйича алоҳида тузилган бўлиб, ягона бир экологик меъёр мавжуд эмас. Аммо, маълум бир табиий ресурсга нисбатан белгиланган экологик меъёр, аввало, ушбу табиий ресурснинг муҳофаза қилинишига қаратилган бўлса, сўнгра, бошқа табиий ресурсларнинг муҳофазасини таъминловчи меъёрлар ҳам эканлиги эътироф этилади. Масалан, оқова сувлардаги ифлослантирувчи моддаларнинг йўл қўйиладиган микдорлари сувлар сифатини таъминлаб, сув объектларида мавжуд бўлган ўсимлик ва ҳайвонот дунёсининг муҳофазасини таъминлайди. Ушбу меъёр инсонларнинг тоза ичимлик сувига бўлган эҳтиёжини қондиришга асос бўлади. Демак, ҳар бир алоҳида табиий ресурс бўйича белгиланган меъёрларни уларнинг мақсад ва вазифаларидан келиб чиққан ҳолда экологик меъёр деб номлаш таклифи ўртага ташланди.

Баъзи бир экологик меъёрларни атроф табиий муҳит объектларининг сифати ва сонини белгилайдиган режа сифатида намоён бўлишини таъкидлайди, масалан, атмосфера ҳавосида ифлослантирувчи моддалар ҳамда биологик организмларнинг инсон ва атроф табиий муҳит объектлари учун йўл қўйиладиган даражадаги тўпланиши ёки ҳайвонот дунёсидан ов қилиш усулида фойдаланиш сонини белгилайдиган квоталар келтириб ўтилади.

Экологик меъёрларни белгилашга асос қилиб эса, атроф муҳитнинг ифлосланиши ва бошқа салбий ҳолатларнинг инсон саломатлигига зарарли таъсири ҳисобга олинади. Аслида, санитар - гигиеник меъёрлар атроф табиий муҳитнинг ҳолатига боғлиқ равишда инсон саломатлиги кўрсаткичларини аниқлашдан иборат эканлиги эътироф этилмоқда.

Яна бир муҳим масала шундан иборатки, экологик меъёрларни белгилашда атроф муҳит ҳолати ўрганилиб, уни муҳофаза қилиш бўйича санитария-эпидемиология назорати органлари маҳаллий органлар билан келишилган ҳолда корхона, муассаса ва ташкилотлар томонидан ҳар бир ифлослантирувчи манба бўйича ишлаб чиқилиши лозимлиги қайд этилади.

Ушбу нормативларни келишиш вақтида атроф табиий муҳитни муҳофаза қилиш ва санитария-эпидемиология назорати органлари билан вужудга келган низолар белгиланган тартибда ҳал этилади. Агар, атроф табиий муҳитни муҳофаза қилиш ва санитария-эпидемиология назорати органлари томонидан йўл қўйиладиган даражадаги зарарли моддаларни чиқариш ҳамда ташлаш микдорларидан норози бўлсалар, корхона, муассаса ва ташкилотлар судга даъво билан мурожаат қилишлари мумкинлиги, зарур ҳолларда эса, тарафлардан бир томоннинг ташаббусига биноан экологик экспертиза тайинланиши мумкин эканлиги муаллиф томонидан таъкидланди.

Табиий ресурслардан фойдаланиш лимитлари ҳудудлар бўйича экологик чекловлар тизими ҳисобланиб, корхоналар учун табиий ресурслардан

фойдаланувчиларга маълум муддатга белгиланган табиий ресурсларни атроф муҳитдан чиқариш, атроф муҳитга ифлослантирувчи моддаларни ташлаш, чиқиндиларни жойлаштириш бўйича белгиланган энг юқори ҳажмларида намоён бўлади. Лимитлар эса, табиатдан фойдаланувчи корхона учун атроф-табиий муҳитни муҳофаза қилиш давлат органлари томонидан белгиланади. Бунда, минтақанинг экологик ҳолатини ҳисобга олиш муҳим бўлиб, табиий ресурслардан босқичма - босқич фойдаланиш, атроф табиий муҳитга зарарли моддаларни чиқариш ва чиқиндиларни жойлаштириш меъёрий ҳажмларга етказилиши лозимлиги ҳисобга олинмоғи зарур эканлиги эътироф этилади.

Экологик меъёрлар табиий ресурслардан фойдаланиш, атроф табиий муҳитга зарарли таъсир кўрсатишни тартибга солувчи ҳуқуқий аҳамиятга эга бўлган техник кўрсаткич ҳисобланиб, ҳар хил шаклларда ўз аксини топади. Экологик меъёрлаш эса, ушбу кўрсаткичларни белгилаш, тасдиқлаш ва жорий қилиш билан боғлиқ бўлган давлат органларининг фаолиятидир.

Ҳозирда, экологик меъёрлаш концепциясига назар ташлайдиган бўлсак, бу атроф муҳит сифати меъёрларини, хўжалик ва ўзга фаолиятни амалга ошириш жараёнида атроф муҳитга йўл қўйиладиган даражада таъсир меъёрларини, атроф муҳитни муҳофаза қилиш соҳасидаги бошқа меъёрлар, жумладан санитар-гигиеник меъёрлар, давлат стандартлари ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш соҳасидаги бошқа норматив ҳужжатларини ўрнатилишидир. Шу аснода, санитар-эпидемиологик меъёрлар экологик меъёрлар таркибида тадқиқ этила бошланди.

Муаллиф, экологик меъёрлашни амалга ошириш тизимини қуйидаги босқич ёки жараёнларда мустаҳкамланишини эътироф этади, яъни: *биринчи босқич* – мавжуд экологик тизимни барқарорлигини баҳолаш ёхуд инсонларни бундай таъсирларга нисбатан жавоби юзасидан тадқиқотларни амалга оширилиши; *иккинчи босқич* – атроф муҳитга хавфсиз бўлган даражаларни асослантириш, яъни ўзлаштирилиши, мослашувчанлик, зарарнинг миқдори ва б. ҳамда зарарни камайтирилиши мақсадида таъсирнинг давомийлигини белгилаш; *учинчи босқич* – инсониятга ҳамда экологик тизимга таъсирнинг оқибатларини прогнозлаш, яъни муайян далиллар асосида уни қандай бўлишини, қандай кечишини ва оқибатини олдиндан айтиб бера олиш; *тўртинчи босқич* – натижаларни текширувдан, синовдан ёки муҳокамадан ўтказиб тасдиқлаш, маъқуллаш ҳамда уни ҳуқуқий жиҳатдан таъминлаш.

Диссертант томонидан экологик меъёрлаш тизимини моҳияти ва хусусиятлари нуқтаи назаридан, амалдаги Ўзбекистон Республикасининг “Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги қонуннинг 4-бобини қайта **“Атроф табиий муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида меъёрлаш ва стандартлаштириш”** дея номлаб, унда: “Атроф табиий муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида меъёрлаш”, “Атроф табиий муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида меъёрларни ишлаб чиқилиши юзасидан асосий талаблар”, “Атроф муҳит сифати меъёрлари,” “Атроф муҳитга йўл қўйиладиган даражада таъсир кўрсатиш меъёрлари”, “Табиатдан фойдаланиш лимитлари”, “Экологик

стандартлар” каби моддалар билан тўлдириш мақсадга мувофиқ эканлигини, унда, атроф муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида меъёрлаш қулай атроф табиий муҳитни сақлаб қолиш ҳамда экологик хавфсизликни таъминлаш мақсадини кўзлаб ҳўжалик ва ўзга фаолиятнинг атроф муҳитга таъсирини давлат томонидан тартибга солиш мақсадида амалга оширилиши эътироф этилган. Шу билан бирга, ушбу меъёрлар атроф муҳит сифати меъёрлари, атроф муҳитга йўл қўйиладиган даражада таъсир кўрсатиш меъёрлари, табиатдан фойдаланиш лимитлари ва бошқа меъёрларни ўрнатишдан иборат эканлиги, ушбу меъёрларнинг атроф муҳитни муҳофаза қилиш соҳасидаги халқаро қоида ва стандартларни ҳисобга олган ҳолда замонавий техника-фан ютуқлари асосида ишлаб чиқилиши ва амалга киритилиши мустаҳкамланган.

Диссертациянинг “**Экологик меъёрлаш тизимининг ташкилий-ҳуқуқий механизми**” деб номланган иккинчи бобида экологик меъёрлаш соҳасида умумий ва махсус ваколатли давлат бошқарув органлари фаолият йўналишлари, экологик меъёрлар тизими, тамойиллари ва классификацияси ҳамда экологик меъёрлаштириш жараёнида ҳўжалик юритувчи субъектлар ва фуқаролик жамияти институтларининг ҳамкорлик йўналишларига оид масалалар тадқиқ қилинган. Моҳиятан олиб қараганда экологик меъёрлаш табиатдан фойдаланишни бошқаришнинг ва табиатдан фойдаланувчилар фаолиятини тартибга солишнинг маъмурий услубига хосдир, бироқ уни қўллаш самарадорлиги эса иқтисодий методлари билан чамбарчас боғлиқ эканлиги қайд этилган.

Экологик меъёрларни белгилашда умумий ваколатли органларнинг ўрни кенг эмаслиги, улар фақатгина айрим масалаларни ҳал этишда қатнашлари муаллиф томонидан эътироф этилиб, экологик қонун ҳужжатлари таҳлили асосида маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг атроф табиий муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида, айниқса экологик меъёрларга риоя этилиши бўйича ваколатларини таснифлаб ўтади. Унга кўра, табиий объектларни сақлаш ва уларнинг ҳолатини яхшилаш, уларга зарарли таъсир кўрсатишини олдини олиш ва уни бартараф этиш, уларга зарарли моддалар чиқариш бўйича давлат экологик экспертизасининг ҳулосасида назарда тутилган шартлар ва талабларни бузиш билан боғлиқ фаолиятини чеклаш, тўхтатиб қўйиш, зарарли таъсир кўрсатиш сабабларини бартараф этиш мумкин бўлмаган тақдирда тугатиш, қолаверса зарар етказилган ҳолларда корхона, муассаса ва ташкилотларнинг фаолиятини чеклаш, тўхтатиб туриш ва тугатиш тўғрисида қарорлар қабул қилиш лозимдир.

Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси экологик меъёрлаш соҳасида табиий ресурслардан фойдаланиш, атроф-муҳитнинг ифлосланиши ва бошқа зарарли таъсирлардан муҳофаза қилишда техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги, хавфсиз маҳсулотлар, ишлар ва хизматларга доир мажбурий талабларга тааллуқли ишларнинг бажарилишини ташкил этиб ва таъминлаб, шу билан бирга ифлослантирувчи моддаларни атроф-муҳитга чиқариб ташлашнинг ва оқизишнинг, чиқиндилар ҳосил бўлиши ва жойлаштирилишининг белгиланган экологик нормативларига,

шунингдек, тадқиқотчи, бундай ифлослантирувчи моддаларни чиқариб ташлашни, оқизишни ва чиқиндиларни белгиланган нормативларгача камайтиришга доир келишилган тадбирларни амалга ошириши каби ваколатларини янада кенгайтириш лозимлигини таъкидлайди.

Қолаверса, диссертант миллий стандартларни халқаро талаблар билан мослаштириш ҳамда замонавий сифат менежменти тизимларини кенг жорий этиш асосида маҳаллий маҳсулотларнинг рақобатдошлигини ошириш ва ташқи савдодаги техник тўсиқларни бартараф этилишини, маҳаллий маҳсулотларни экспорт қилишда миллий лабораториялар томонидан амалга оширилган ўлчаш ва синов натижаларининг чет элларда тан олинishi учун асос яратилиши лозимлигини, саноат тармоқларида қўлланилаётган юқори аниқликдаги асбобларни тўлиқ метрологик текширувдан ўтказиш, бир қатор эталонлар ва энг юқори аниқликда ўлчаш воситаларини харид қилиш орқали миллий корхоналарнинг хорижий мамлакатлар метрология институтига боғлиқлигини камайтириш имконини бериш лозимлигини қайд этади.

Тадқиқотчининг фикрича, экологик меъёрларнинг гуруҳларга бўлиниши аниқ эмас, чунки, тегишли комплекс меъёрларни экологик қонунчиликда назарда тутилмагани, экологик меъёрлашни шундай классификациялаш меъёрларнинг ҳаммасини қамраб ололмайди. Экологик меъёрлашнинг объект ва субъектлари, амал қилиш муддатлари ва шакллари бўйича классификация қилиш лозим бўлиб, жумладан экологик меъёрлаш объектлари бўйича табиий объектларнинг сифат ва сон кўрсаткичларини белгиловчи меъёрларга бўлиниб, ҳар бир табиий объектнинг сифат ва сон кўрсаткичлари ўзига хос кўрсаткичлар асосида аниқланади. Ушбу кўрсаткичларни белгилаш ва аниқлаш усуллари ҳам ўзига хос хусусиятларига эгадир, мисол тариқасида ҳайвонот дунёси бўйича улар камайиб кетишининг олдини оладиган меъёр, яъни квота белгиланиши муҳимдир. Квота бир йўла ҳайвонот объектлари турларининг фойдаланиш миқдорларини ўз ичига олади. Атмосфера ҳавоси бўйича меъёрлар белгиланганда эса, фақат унинг сифат кўрсаткичлари эътиборга олинади. Сувлар бўйича меъёрлар эса, уларнинг ҳам сифат кўрсаткичлари ҳам сон кўрсаткичларини белгилайди. Сув ҳавзаларидаги ифлослантирувчи моддаларнинг йўл қўйиладиган даражадаги меъёрлари сувларнинг сифатига тааллуқли бўлса-да, сувдан фойдаланиш лимитлари эса сувлардан фойдаланишнинг ҳажмларини белгилайди.

Шунингдек, ҳамма субъектларга тааллуқли меъёрлар, яъни, экологик стандартлар, атмосфера ҳавосида ифлослантирувчи моддалар ҳамда биологик организмларнинг инсон ва табиий муҳит объектлари учун йўл қўйиладиган тўпланиш даражалари, сувларда ифлослантирувчи моддалар ва биологик организмларнинг инсон ҳамда табиий муҳит объектлари учун йўл қўйиладиган тўпланиш даражалари ва бошқалар ҳисобланади. Ҳамма субъектларга тааллуқли меъёрлар умумий бўлиб, булар республика ёки айрим ҳудудлар ёхуд маълум бир халқ хўжалиги соҳаси бўйича белгиланади, масалан, атмосфера ҳавосига транспорт воситаларидан чиқариладиган зарарли газлар бўйича экологик стандартлар транспорт воситаларини ишлаб

чиқарувчи, уларни республика ҳудудига олиб келувчи ёки таъмирловчи ҳамда улардан фойдаланувчи юридик ва жисмоний шахсларга тааллуқлидир. Шунингдек, маълум бир субъектга тааллуқли меъёрлар эса, масалан, атмосфера ҳавосига доимий манбалардан ифлослантирувчи моддалар, биологик организмларнинг йўл қўйиладиган даражадаги нормативлари ҳисобланиб, ушбу турдаги экологик меъёрлар ишлаб чиқилиши ва тасдиқланиши билан бошқа экологик меъёрлардан фарқланади.

Одатда, ушбу экологик меъёрлар манфаатдор юридик ва жисмоний шахслар томонидан ишлаб чиқилиб, экология ва атроф-табiiй муҳитни муҳофаза қилиш, санитария назорати ва бошқа тегишли органлар томонидан тасдиқланади. Ҳамда, маълум бир экологик меъёрлар бир йўла ҳамма субъектларга ва маълум бир субъектларга тегишли бўлиши мумкин. Масалан, сувдан фойдаланиш лимитлари, сув ҳавзалари, туманлар ва вилоятлар, халқ хўжалиги тармоқлари ва ҳар бир сувдан фойдаланувчи бўйича белгиланади. Амал қилиш муддати бўйича эса, экологик меъёрлар муддатсиз ёки маълум бир муддатга мўлжалланган меъёрларга бўлинади. Экологик стандартлар ҳамда атмосфера ҳавосида ёки сувларда ифлослантирувчи моддалар ва биологик организмларнинг инсон ва табiiй муҳит объектлари учун йўл қўйиладиган тўпланиш даражалари муддатсиз белгиланади. Сувдан фойдаланиш лимитлари ва ҳайвонот дунёси бўйича квоталар эса, фақат муддатли ҳисобланади, чунки улар одатда бир йилга мўлжаллаб тасдиқланиши ҳақида фикр билдиради.

Ушбу нуқтаи назардан келиб чиқиб, муаллиф ифлослантирувчи доимий манбани жойлаштириш натижасида атмосфера ҳавосида ёки сувлардаги ифлослантирувчи моддалар ва биологик организмларнинг инсон ҳамда табiiй муҳит объектлари учун йўл қўйиладиган тўпланиш даражалари бузилишига олиб келадиган бўлса, уларнинг атмосфера ҳавосига ёки сув ҳавзаларига чиқариш (ташлаш)нинг йўл қўйиладиган даражадаги нормативлари қайта кўриб чиқилиши лозимлигини таъкидлайди.

Шу аснода, муаллиф, қуйидаги хулосага келади, яъни биринчидан – экологик меъёрлаш бу, табиатга нисбатан турли таъсирларни тартибга солишнинг муҳим жиҳати бўлиб, у фақатгина маълум бир тоифадаги таъсирлар учун татбиқ қилинади, яъни объект сифатини камайтирувчи омилларга тегишлидир. Шу билан бирга эса, унинг асосий моҳияти бу экологик тизим сифатини яхшилаш мақсадини кўзлайди. Иккинчидан – экологик меъёрлаш шунда ўз моҳиятини намоён этадики бунда, объект сифати ёки ҳолати билан экологик таъсир ўртасидаги сабабий боғланиш мавжуд бўлиши лозимдир. Муҳтасар қилиб айтганда, шундай таъсирларни меъёрлаш керакки, бунда ушбу таъсирлар ҳақиқатдан ҳам экологик тизим объектларини ёмонлашувига олиб келиши лозим. Бошқа, умуман зарарли оқибат келтириб чиқармайдиган таъсирларни меъёрлаштириш бемаъни (маъносиз) ҳисобланади. Учинчидан эса – атроф муҳитда шундай ўзгаришларни меъёрлаш лозимки, бунда бошқарув субъектларини бирон –

бир ҳаракатни амалга оширишларига ундаши лозим ҳамда атроф муҳитдаги табиий ўзгаришларни меъёрлаш мақсадга мувофиқ эмас.

Диссертациянинг “**Атроф табиий муҳитга таъсир этиш ва унинг сифатини таъминлаш норматив ҳамда стандартлари**” деб номланган учинчи бобида атроф табиий муҳитга таъсир этиш меъёрларининг ҳуқуқий ҳолати, ушбу соҳадаги нормативларнинг ташкилий-ҳуқуқий асослари, табиий ресурслардан фойдаланиш соҳасида экологик нормативлар тизими ва хусусиятлари, хўжалик ва ўзга фаолиятни амалга оширишда экологик стандартлаштиришнинг роли ва аҳамияти, экологик сертификатлаштиришни ҳуқуқий тартибга солишнинг ўзига хос хусусиятлари каби масалалар таҳлил қилинган.

Ҳозирда, атроф муҳитга йўл қўйиладиган даражадаги таъсир кўрсатиш меъёрлари табиий муҳитнинг экологик функцияларининг бузилишига олиб келмайдиган табиий ресурс ёки комплексларга антропоген таъсир кўрсатиш миқдорлари бўлиб, бундай таъсир кўрсатиш даражасини аниқлаш учун атроф табиий муҳит ҳажмини белгилаш муҳимдир. Бундай йўл қўйиладиган даражадаги таъсир кўрсатиш меъёрларини ишлаб чиқиш ва қўллашдан асосий мақсад эса, хўжалик фаолиятида табиий ресурслардан фойдаланиш ва уларнинг маҳсулотларини истеъмол қилишда табиатни муҳофаза қилиш мақсадлари билан мувофиқлаштириш ҳисобланади.

Атроф табиий муҳитга йўл қўйиладиган даражадаги таъсир кўрсатиш меъёрлари тармоқ ёки регионал турларга бўлиниб, тармоқ меъёрлари маълум бир табиий ресурс ёки табиий комплекс бўйича белгиланади ҳамда бундай меъёрлар ўрмонларда аҳолининг бўлиши, муҳофаза этиладиган ҳудудларга бир вақтнинг ўзида кириши мумкин бўлган одамларнинг максимал сони, овчилик ҳудудларида бир вақтнинг ўзида ов қилиши мумкин бўлган овчиларнинг сони бўйича меъёрлар, табиий яйловларнинг маълум бир майдонида боқилиши мумкин бўлган чорва моллари сонини белгилаш шу турдаги меъёрларга киради. Минтақавий (регионал) атроф табиий муҳитга йўл қўйиладиган даражадаги таъсир кўрсатиш меъёрлари табиий комплексларга хўжалик ёки рекреация фаолиятининг таъсир кўрсатиши даражасидан келиб чиққан ҳолда ишлаб чиқилади. Бундай меъёрлар орқали маълум бир ҳудудларда табиий ресурслардан фойдаланиш ва хўжалик фаолиятини ривожлантириш кўрсаткичларини атроф муҳитни муҳофаза қилиш манфаатидан келиб чиқиб чекловлар белгиланиши лозим. Масалан, маълум бир ҳудудда чиқиндиларни жойлаштириш миқдорлари бўйича нормативлар, бирон бир ҳудуд экологик тизимида зарарли моддаларни тўпланиш миқдорлари бўйича экологик нормативлар ва ҳ.к.

Тадқиқотчининг фикрича, мамлакат қонунчилигида атроф муҳитга йўл қўйиладиган даражадаги таъсир кўрсатиш меъёрлари ва уларни белгилаш тартиби назарда тутилмаган бўлиб, атроф табиий муҳитни муҳофаза қилиш ва унинг объектларидан фойдаланишни комплекс равишда режалаштириш учун бундай меъёрларни жорий қилиниши муҳимдир ҳамда бундай талабни

амалдаги “Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги қонунга киритиш мақсадга мувофиқдир.

Атроф табиий муҳитга йўл қўйиладиган даражадаги таъсир кўрсатиш меъёрларининг аҳамияти юқори бўлиб, агарда, табиий ресурсларга нисбатан таъсир кўрсатишнинг энг юқори даражалари белгиланмас экан, ўз навбатида табиий ресурсни сақлаб қолиш масаласига салбий таъсир кўрсатиши мумкин бўлади, масалан, маълум бир ҳудудда бир турдаги корхоналарни жойлаштириш нафақат алоҳида, қандайдир табиий ресурсга, балки ушбу ҳудуднинг табиий комплексига жиддий таъсир кўрсатиши мумкин. Ҳудди шундай, яйлов ва пичанзорлардан фойдаланиш меъёрлари тўғри белгиланмаса, унда ушбу ҳудудда ўсимлик дунёси объектларини йўқ бўлиб кетишига ёхуд ерларнинг чўлланишига олиб келади.

Қолаверса, атроф муҳитга йўл қўйиладиган даражадаги таъсир кўрсатиш меъёрларига риоя этилмаганлиги учун жавобгарлик қончилиқда аниқ ва тўлиқ белгиланмагандир, масалан, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 77-моддасига кўра, ўрмон фонди ерларида пичанзорлар ва яйловларни шикастлантириш, ўзбошимчалик билан мол боқиш ҳамда пичан ўриш учун жавобгарлик белгиланган. Аммо, пичанзор ва яйловларда пичан ўриш ҳамда мол боқишнинг меъёрларини бузганлик учун жавобгарлик белгиланмагандир. Агар, атроф табиий муҳитга йўл қўйиладиган даражадаги таъсир кўрсатиш меъёрларини бузиш оқибатида табиий объектларга, инсонларнинг саломатлигига, юридик ва жисмоний шахсларнинг мол-мулкига зарар етказилса, шундай меъёрларни бузган шахслар мулкий жавобгарликка тортилишлари лозимдир. Мазкур кодексга атроф табиий муҳитга йўл қўйиладиган даражадаги таъсир кўрсатиш меъёрларига риоя этилмаганлиги учун жавобгарлик масаласи киритилиши зарурдир. Бундай ҳуқуқбузарликлар юридик шахслар томонидан содир этилганлиги учун маъмурий жавобгарлик субъекти сифатида фақатгина мансабдор шахсларни тан олиш лозимлиги қайд этилади.

Шунингдек, тадқиқотчи “Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида”ги Қонунда сувнинг сифатини меъёрлашга оид қоидалар тўлиқ ва аниқ қилиб берилмаганлигини қайд этиб, сувларнинг тозаллигига оид қандай меъёрлар белгиланишлиги, уларни тасдиқлаш тартиби қонунда аниқланмаганлигини таъкидлаб, қуйидаги мазмундаги “74¹” моддаси билан тўлдирилиши юзасидан таклифни илгари суради, яъни: **“74¹ – модда. Сувларнинг сифатини меъёрлаш”** деб номланган янги таҳрирдаги моддани киритишни қайд этади (лойиҳа илова қилинган).

Қолаверса, “Ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида”ги Қонуннинг 29-моддасига асосан, ҳайвонот дунёси объектларидан махсус фойдаланиш учун рухсатнома ёввойи ҳайвонларни тутишга доир тасдиқланган квоталар доирасида Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси томонидан берилишига қарамай, бугунги кунда, квоталарни белгилаш тартиби ва мезонлари ҳали ҳанузгача қонун ҳужжатларида акс эттирилмаган, тегишли ҳукумат қарори билан квота

асосида биологик ресурслардан фойдаланишни тартибга солувчи тартиб ёхуд қоида тасдиқланиши лозимлигини эътироф этади.

Тадқиқотчи, амалдаги ўрмон тўғрисидаги қонунга маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ўрмонга оид муносабатларни тартибга солиш соҳасидаги ваколатларига қаторига Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси билан биргаликда ўрмонларни муҳофаза қилиш ҳамда улардан фойдаланиш соҳасида экологик меъёрларни ишлаб чиқишни ташкил этиш ва тасдиқлаш каби ваколатларни, Ўрмон хўжалиги давлат қўмитасининг ваколатлари қаторига ўрмон ва у ердаги ўсимлик ва ҳайвонот дунёси объектларидан фойдаланиш меъёрларини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш ҳамда ушбу нормативларга риоя этилишини назорат қилиш ваколатини, Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг ушбу соҳадаги ваколатлари қаторига эса, ўрмонларни муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш соҳасидаги қоидаларни, ўрмон фонди ерларида ўсимлик дунёси объектларидан фойдаланиш меъёрларини ишлаб чиқишни ташкил этиш ва тасдиқлаш ҳамда уларни бажарилиши устидан назоратини амалга ошириш ваколатини қўшишни, қолаверса ўрмон кўриқчиларининг ўрмонлардан фойдаланишда экологик меъёрларга риоя этилиши устидан назоратни амалга ошириш ваколатини киритиш зарурлигини таклиф этади. Шунингдек, ўрмондан фойдаланиш ҳуқуқининг тугатилишига ушбу соҳадаги экологик меъёрлар талаби бузилиши сабаб бўлиши лозимлиги қайд этилади. Ҳамда ўрмонларнинг ҳолатига ва уларни такрорий кўпайтиришга таъсир этадиган, ўрмонларни муҳофаза қилиш соҳасидаги экологик меъёрлар ва стандартларга жавоб бермайдиган иншоотлар ва объектларни жойлаштириш, лойиҳалаш, қуриш ва ишга тушириш мутлақо тақиқланиши зарурлиги тўғрисидаги таклифлар илгари сурилади.

Тадқиқотчи, тупроқ сифатига оид меъёрлар ер қонунчилигида аниқ ва равшан қайд этилмаганлигини, аммо айрим қонунчилик нормаларида шундай меъёрлар белгиланган бўлиб, ушбу соҳадаги меъёрларнинг бир гуруҳи бевосита ер билан боғлиқ эмаслиги ва бунда муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларга кирувчи санитар ҳамда муҳофаза тегралари эканлигини, ушбу теграларни ташкил этишдан мақсад аҳоли яшашининг экологик - гигиеник шароитини, сув ва бошқа табиий объектлар муҳофазасини таъминлашдан иборат эканлигини, ушбу ҳудудларда ердан фойдаланиш режимига кескин таъсир кўрсатилишини қайд этиб ўтган. Муаллиф фикрича, тупроқларни сақлаш ва улардан оқилона фойдаланиш бўйича чоралар унинг мақсадини белгиловчи стандартлаштириш объектларидан бири бўлиб, тупроқларни ифлослантирувчи моддалар, тупроқларни йўқотишга, ифлосланишига, шўрланишига, эрозияланишига сабаб бўлаётган хўжалик ва табиий факторларнинг классификацияси экандир. Тупроқлар бўйича стандартлар шаклида уларнинг сифат кўрсаткичлари ва зарарли таъсирга бардошлилик кўрсаткичлари ҳамда тупроқларни ифлослантирувчи моддалар рўйхати ишлаб чиқиши, шунингдек, тупроқ ҳолати устидан кузатув олиб бориш, унинг паспортига киритилувчи кўрсаткичлар рўйхати ҳам ишлаб чиқиши

лозимдир. Ушбу паспортга тупроқ тури, унинг агрофизик ва агрохимёвий хусусиятлари, ифлосланганлиги, эрозияланганлик, шўрланганлик даражаси ва бошқа унинг ҳолатини белгиловчи кўрсаткичлар киритилиши, паспорт маълумотлари компьютерга киритилиб маълумотлар базаси йиғилиши лозим.

Бундан ташқари, ер қаъридан фойдаланувчиларни ер қаъридан фойдаланиш ва минерал хом ашёни қайта ишлаш технологияси, нормалари ва қоидаларига риоя этиши; кончилик ишларини ривожлантиришнинг техник лойиҳалари ва режаларидаги, углеводород конларини ишлатиш ва уларни ободонлаштириш лойиҳаларидаги талабларга риоя этиши; қазиб олинмаган ва ер қаърида қолган асосий фойдали қазилмалар ҳамда компонентлар захиралари, минерал хом ашёни ва техноген минерал ҳосилаларни қайта ишлаш маҳсулотлари миқдори ва сифати ҳисобини юритиши; фойдали қазилмаларни қазиб олиш ва минерал хом ашёни қайта ишлаш чоғида nobудгарчиликлар нормативларига риоя этилишини таъминлашлари шартлиги асослантилган.

Шунингдек, диссертант амалдаги қонунчилик ҳамда илмий таҳлиллар асосида тегишли тушунчаларни ишлаб чиқишни таклиф этади, унга кўра *экологик стандарт* – бу, норматив-техник ҳужжат ҳисобланиб, атроф табиий муҳитни муҳофаза қилиш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланишни таъминлаш бўйича комплекс чоралар, талаблар, қоида ва меъёрларни ўрнатиш мақсадини кўзлайди. Шу билан бирга, экологик стандартлар табиатни муҳофаза қилиш муаммолари ва табиий ресурслардан фойдаланишни яхшилаш, ер, ер ости бойликлари, тупроқ ва сувларни муҳофаза қилиш ва улардан оқилона фойдаланиш, атмосферани ҳимоя қилиш, флора ва фаунани муҳофаза қилиш бўйича ташкилий-методик жиҳатдан мавжуд муаммолар соҳасидаги муносабатларни ҳам тартибга солади. Ҳамда, экологик стандартлаштириш эса, шундай фаолиятни англатадики, унда маҳсулот, хизмат ва ишларни рақобатбардошлигини ошириш соҳасида ихтиёрий кўпмаротаба тарзда қўлланиладиган экологик қоида ва талабларни ўрнатиш бўйича фаолиятдир. Экологик жиҳатдан тоза маҳсулотнинг умумий жиҳатларига янги талқин ёхуд тушунчани тадқиқотчи таклиф этади, яъни: *экологик тоза маҳсулот* деганда – тегишли қонун талабларига мувофиқ келадиган, аниқроғи, бир тарафдан инсон организмига канцероген, мутаген ва бошқача тарзда ёмон таъсир кўрсатмайдиган соғлиқни мустаҳкамлайдиган тўйимлилик аҳамиятига эга маҳсулот ҳисобланади, қолаверса иккинчи тарафдан эса, экологик жиҳатдан тоза маҳсулотнинг ҳуқуқий мақоми тегишли санитария ва ветеринария қоида ва меъёрлари билан аниқланади.

Албатта, экологик стандарт функционал белгиланган вазифасига кўра учта асосий гуруҳга бўлинади, яъни: *биринчидан* – атроф муҳитни муҳофаза қилишга оид стандартлар; *иккинчидан* – алоҳида ҳар бир табиий объект турини муҳофазаси учун стандарт; *учинчидан* - маҳсулот ва ишлар (хизматлар)ни инсон ҳаёти ва соғлиги учун экологик жиҳатдан хавфсизлигига оид стандартлари. Шу билан бирга эса, экологик

стандартлаштиришнинг тизими учта асосий йўналишдан иборатдир, яъни: *биринчи* йўналишдаги стандартлар атроф табиий муҳитга зарарли таъсир кўрсатишнинг йўл қўйиладиган экологик стандартларини белгилаш тартиби ва шартларини ўз ичига олади. *Иккинчи* йўналишдаги эса, атроф табиий муҳитни муҳофаза қилинишини ташкиллаштиришга тааллуқли талабларни белгилайди. *Учинчи* йўналишдаги стандартлар атроф табиий муҳитни муҳофазасига тааллуқли тушунчаларнинг ягона талабларини белгилайди.

Бундан ташқари, экологик сертификатлаштириш бу, ишлаб чиқарилган маҳсулот тавсифлари атроф-муҳит муҳофазаси соҳасидаги стандартларга мослигини тасдиқлаш жараёни бўлиб ҳисобланади. Шу аснода тадқиқотчининг эътирофича, экологик сертификатлаштириш биринчи навбатда истеъмолчилар томонидан атроф-муҳитга нисбатан хавфли характерга эга бўлган маҳсулотларни харид қилиш ёки истеъмол қилинишидан (фойдаланиш) ҳимоя қилишдир. Шу билан бирга эса, барча маҳсулотларни ишлаб чиқариш, фойдаланиш ва утилизация қилишда атроф-муҳитни ифлослантиришдан ҳимоя қилиш; экологик жиҳатдан янги ва энг мақбул бўлган хавфсиз технологиялар ва ускуналарни жорий қилинишини таъминлаш; мамлакатга эса, экологик хавфли бўлган технология, маҳсулот, ускуналар ҳамда чиқиндиларни олиб кирилишини олдини олишдан иборатдир. Шунингдек, экологик сертификатлаштиришнинг тўртта гуруҳини ажратиш лозимлиги қайд этилган бўлиб, булар: *атроф табиий муҳитнинг объектлари; атроф муҳитни ифлослантирувчи манбалар; атроф-табиий муҳитни муҳофаза қилишга мўлжалланган маҳсулотлар; экологик ахборот ресурслари, маҳсулот ва технологиялар.*

Шунингдек, тадқиқотчи томонидан экологик сертификатлаштиришни амалга ошириш механизми қўйидаги тамойиллар асосида йўлга қўйилиши лозимлиги таклиф этилади, булар: *мустақиллик тамойили* – экологик сертификатлаштириш натижаларига ҳеч бир жисмоний ва юридик шахсларнинг таъсири бўлмаслиги; *ҳолислик (объективлик)* – фақат аниқ ҳақиқатни билдирилиши; *чуқур билимга асосланганлик* – ушбу тизим иштирокчилари тегишли малака ва билимга эга бўлган, белгиланган вазифаларни амалга оширувчи ўз соҳасининг етук мутахассиси бўлиши лозимлиги; *очиқлик* – юридик ва жисмоний шахсларни ушбу тизим фаолияти хусусида аниқ маълумотга эга бўлиши ҳамда ҳар қандай тўсиқ ва чекловларнинг йўқлиги; *тижорат манфаатларининг йўқлиги* – иш жараёнида фойда чиқаришдан воз кечиш ва бошқалар.

Диссертациянинг “**Экологик меъёрлаш талабларини бузганлик учун юридик жавобгарлик**” деб номланган тўртинчи бобида, экологик меъёрлаш соҳасидаги мавжуд тартибни бузганлик учун юридик жавобгарлик, унинг ўзига хос хусусиятлари ҳамда экологик меъёрлашга оид қоида ва талабларни бузганлик учун интизомий, фуқаролик-ҳуқуқий, маъмурий ва жиноий жавобгарликнинг моҳияти таҳлил қилинган ҳамда тегишли таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

Тадқиқотчи, миллий тадқиқотчи олимлар ишларини ўрганиб, юридик жавобгарликни мураккаб, кўп қиррали ҳуқуқий ҳодиса эканлиги, унинг тушунчаси, моҳияти ва мазмуни илмий юридик адабиётларда ҳали ҳануз мунозараларга сабаб бўлётганлигини, юридик жавобгарлик бу, белгиланган ҳуқуқ нормалари ва хулқ-атвор қоидаларини бузганлик учун юридик ва жисмоний шахсларга қўлланиладиган давлат мажбурлов чоралари мажмуи эканлигини эътироф этган.

Атроф табиий муҳитга, айниқса атмосфера ҳавосига ва сув объектларига зарарли моддалар ва биологик организмларни йўл қўйиладиган даражада чиқариш учун Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси органларининг рухсати асосида амалга оширилиши баробарида, ушбу таъсирлар йўл қўйиладиган даражадан ошиб кетса ҳамда рухсатсиз бундай амалга ошириш ноқонуний ҳисобланиши ва жавобгарликка тортиш учун асос бўлишлиги тадқиқотчи томонидан эътироф этилган.

Диссертант, экологик хавфсизлик талабларига жавоб бермайдиган объектни ишга туширганлик экологик қонун ҳужжатларига мувофиқ юридик ҳаракат бўлиб, объектни қабул қилиш тўғрисидаги ҳужжатни имзолаган давлат комиссияси аъзоларининг жавобгарликка тортилиши лозим бўлишини қайд этади. Саноат, энергетика, транспорт, коммунал хизмат, агросаноат, илм-фан ва бошқа объектларни фойдаланишга топшириш давлат комиссияси аъзолари томонидан рухсат этилишини, агар давлат комиссияси аъзолари томонидан чанг ва газ тозаловчи бундай ускуналари ўрнатилмаган (тўла ўрнатилмаган) объектнинг ишга туширилишига рухсат этилмаган бўлса-ю, лекин, объект ишга туширилган тақдирда ушбу объектнинг ишга туширилишига рухсат берган шахс жавобгарликка тортилиши лозимлигини эътироф этади. Қолаверса, тадқиқот ишида атроф табиий муҳит сифатига таъсир кўрсатиш бу, ҳар қандай ифлосланиш ҳам эмас, балки белгиланган меъёрлардан ошиқча ифлослантиришгина юридик аҳамият касб этади ва тегишинча юридик жавобгарлик институтининг қўлланилиши учун асос бўлиб хизмат қилишлиги асослаб берилган.

Диссертант томонидан атроф табиий муҳитга етказилган зарар учун такса жавобгарлиги республикамизда аввал амалда бўлган, бироқ ҳозирда ўз кучини йўқотган ҳужжат асосида фақатгина ўсимлик дунёсига нисбатан тартибга солинганлиги, ҳозирда ушбу жараённи тартибга солувчи бирон бир норматив-ҳуқуқий ҳужжат мавжуд эмаслиги, келажакда биологик ресурсларга етказилган зарарлар учун ундириладиган жарима миқдорларини ҳисоблаш юзасидан таксалар ишлаб чиқилиши ўта зарур эканлиги эътироф этилади. Бу эса, амалда экология соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар учун фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарликни тўла қўллаш, табиий ресурсларга етказилган зарарни тўла ҳажмда қоплаш имкониятини бериши шубҳасиздир. Демак, таксага оид жазо чоралари, уларни амалиётда қўллаш механизми бугунги кунгача тегишли тарзда ишлаб чиқилмаганлиги ва ўрнатилмаганлиги, шу сабабдан тадқиқотчи етказилган зарар миқдорини

аниқловчи таксалар ишлаб чиқилса ҳамда ўрнатилса мақсадга мувофиқ бўлишлигини эътироф этади.

Экологик меъёрдан ортиқ даражада зарарли ёхуд заҳарли моддаларни атроф табиий муҳитга чиқариш ёки ташлаш оқибатида, албатта инсон саломатлигига етказилган зарар, одамларнинг касалликларга чалинишида ёхуд соғлигини бошқача тарзда йўқотиши ҳамда шундай йўқотилишнинг хавфи туғилиши натижасида, шунингдек бошқа тегишли генетик салбий ҳолатларда намоён бўлади. Улар, кишиларнинг экологик ноқулай шарт-шароитларда яшаши, ифлосланган табиий ресурслар (сув, атмосфера ҳавоси) ва таркибига кимёвий заҳарли моддалар мавжуд озик-овқат маҳсулотларини истеъмол қилишлари ҳамда атмосфера ҳавосига меъёрдан ортиқ тарзда физикавий таъсирлар (шовқин, тебраниш, радиация) кўрсатилиши билан чамбарчас боғлиқлиги таъкидланади.

ХУЛОСА

“Экологик меъёрлаш тизимини ҳуқуқий тартибга солиш масалалари” мавзусидаги диссертация тадқиқоти натижаси бўйича қуйидаги илмий-назарий ва амалий аҳамиятга эга бўлган хулосаларга келинди:

I. Илмий назарий хулосалар:

1. Миллий ва хорижий давлатлар олимлари билан илмий полемикага киришиш орқали ушбу соҳада қуйидаги тушунча ва категорияларга муаллифлик таърифлари тайёрланди, яъни: экологик меъёрлаш бу, муҳим бўлган экологик-ҳуқуқий чоралар сифатида экологик-ҳуқуқий нормаларга риоя этилиши, унга ташкилий-ҳуқуқий чора сифатида қаралиши ҳамда экологик меъёрлаш бу, давлатнинг экологик функциясини амалга оширишнинг ташкилий-ҳуқуқий шакли эканлиги ва бунда атроф табиий муҳитга таъсирнинг илмий асосланган йўл қўйиладиган чегараларини ўрнатиш, хўжалик ҳамда ўзга фаолиятнинг атроф табиий муҳитга зарарли таъсирини оғоҳлантириш, уни олдини олиш ҳамда чегаралаш ҳисобланиши давлатнинг олиб бориладиган фаолиятида намоён бўлиши илмий-назарий жиҳатдан асослантирилган.

2. Экологик меъёрларни амал қилиш ҳудудлари бўйича умумий ва локал (маҳаллий) меъёрларга бўлиниши, умумий экологик меъёрларга экологик стандартлар, маҳаллий экологик меъёрларга эса ифлослантирувчи моддаларнинг йўл қўйиладиган даражада ташлаш (чиқариш) нормативлари тааллуқли бўлиши лозимлиги асослантирилган.

3. Экологик талаблар, бугунги кунда атроф табиий муҳитни муҳофаза қилиш ҳамда табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш бўйича қоидаларни ўз ичига олади. Шундан келиб чиқиб, экологик меъёр, бу атроф табиий муҳитнинг муҳофазаси, табиий ресурслардан оқилона фойдаланишни таъминлаш ҳамда инсон экологик хавфсизлигини таъминлаш юзасидан белгиланган аниқ бир талаб эканлиги, қолаверса экологик меъёрлаш, ушбу

талабни белгилаш бўйича илмий-ҳуқуқий жараёни англатиши лозимлиги асослантилган.

4. Табиий ресурслардан фойдаланиш лимитлари ҳудудлар бўйича экологик чекловлар тизими ҳисобланиши, корхоналар учун табиий ресурслардан фойдаланувчиларга маълум муддатга белгиланган табиий ресурсларни атроф муҳитдан олиш (чиқариш), атроф муҳитга ифлослантирувчи моддаларни ташлаш, чиқиндиларни жойлаштириш бўйича белгиланган энг юқори ҳажмларида намоён бўлишлигига эътибор қаратилиши лозимлиги қайд этилди. Лимитлар табиий ресурслардан фойдаланувчи корхоналар учун атроф-табиий муҳитни муҳофаза қилиш давлат органлари томонидан белгиланиши, бунда минтақанинг экологик ҳолатини ҳисобга олиш муҳим бўлиб, табиий ресурслардан босқичма - босқич фойдаланиш, атроф табиий муҳитга зарарли моддаларни чиқариш ва чиқиндиларни жойлаштириш меъёрий ҳажмларга етказилиши лозимлиги ҳисобга олинмоғи зарур эканлиги асослантилган.

5. Атмосфера ҳавоси ҳамда сувлар сифатини таъминлашга қаратилган меъёрларни белгилаш тартибини такомиллаштирилиши, Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат кўмитасининг шундай меъёрлар миқдорларини ҳисоблаш ва тасдиқлаш тартибига оид ҳужжатлари қайта кўриб чиқилиб Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилиши лозимлиги, шунингдек, атмосфера ҳавоси ва сувларнинг сифати бўйича меъёрлар ҳар бир ифлослантирувчи модда бўйича санитар зонадаги ҳолат ҳар бир корxonанинг ифлослантирувчи манбаси ёки тозалаш ускуналари ҳолати бошқа ифлослантирувчи манбаларнинг мавжудлигидан келиб чиққан ҳолда математик моделдан фойдаланиб белгиланиши лозимлиги, булар эса Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат кўмитаси томонидан тасдиқланган раҳбарий ҳужжатларда ўз аксини топиши зарур эканлиги ҳамда ушбу раҳбарий ҳужжатлар ўз моҳиятига кўра умуммажбурий ҳарактерга эга бўлганлиги боис Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 9 октябрдаги 469-сонли “Вазирликлар, давлат кўмиталари ва идоралар меъёрий ҳужжатларининг қонунийлигини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига мувофиқ Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилиши лозимлиги асослантилган.

6. Ҳозирда, экологик меъёрлашга назар ташлайдиган бўлсак, бу атроф муҳит сифати меъёрларини, хўжалик ва ўзга фаолиятни амалга ошириш жараёнида атроф муҳитга йўл қўйиладиган даражада таъсир меъёрларини, атроф муҳитни муҳофаза қилиш соҳасидаги бошқа меъёрлар, жумладан санитар-гигиеник меъёрлар, давлат стандартлари ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш соҳасидаги бошқа норматив ҳужжатларини ўрнатилиши тушунилади. Шу аснода, экологик меъёрлашни амалга ошириш тизимини тегишли босқич ёхуд жараёнларда мустаҳкамланиши лозимлиги бўйича ишлаб чиқилган таклиф асослантилган.

7. Тегишли тушунчалар ишлаб чиқилди, яъни экологик стандарт – бу, норматив-техник ҳужжат ҳисобланиб, атроф табиий муҳитни муҳофаза

қилиш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланишни таъминлаш бўйича комплекс чоралар, талаблар ҳамда қоида ва меъёрларни ўрнатиш мақсадини кўзлайди. Шу билан бирга, экологик стандартлаштириш эса, шундай фаолиятни англатадики, бунда маҳсулот, хизмат ва ишларни рақобатбардошлигини ошириш соҳасида ихтиёрий кўпмаротаба тарзда қўлланиладиган экологик қоида ва талабларни ўрнатиш бўйича фаолиятдир.

8. Экологик жиҳатдан тоза маҳсулотнинг умумий жиҳатларига янги талқин ёхуд тушунча таклиф этилди, яъни экологик тоза маҳсулот деганда – тегишли қонун талабларига мувофиқ келадиган, аниқроғи, бир тарафдан инсон организмга канцероген, мутаген ва бошқача тарзда ёмон таъсир кўрсатмайдиган соғлиқни мустаҳкамлайдиган тўйимлилик аҳамиятига эга маҳсулот ҳисобланади, қолаверса иккинчи тарафдан эса, экологик жиҳатдан тоза маҳсулотнинг ҳуқуқий маҳоми тегишли санитария ва ветеринария қоида ва меъёрлари билан аниқланади.

9. Мавжуд экологик муаммоларнинг ҳар томонлама ижобий ҳал этилиши, шубҳасиз, экологик сертификатлаштиришнинг самарали ишлаши ва уларга риоя этилишини янада оширилиши билан чамбарчас боғлиқ эканлиги, ушбу диссертация ишини тадқиқ қилиш натижасида билдирилган таклиф ва хулосалар экологик сертификатлаштиришнинг экологик муносабатларни ҳуқуқий тартибга солишдаги ўрнини мустаҳкамлаши тўлиқ таъминланиши шубҳасиздир. Шу аснода, мамлакатимизда энг яхши мавжуд илғор технологияларни қўлловчи фаолият олиб бораётган хўжалик юритувчи субъектларни иқтисодий жиҳатдан рағбатлантириш усуллари (йўллари)ни жорий этиш таклиф этилди.

10. Атроф табиий муҳит сифатининг мезонларини қуйидагича бўлишлиги асослантилган, яъни: биологик мезон бўлиб – инсонларнинг яшashi ва авлодларини давом эттириши учун муҳитни ифлосланмаганлиги меъёрига мос бўлиши лозим; иқтисодий мезон – инсоният эҳтиёжлари йўлида табиат неъматлари (ресурслари)дан албатта оқилона фойдаланишни, тегишли чегара ва меъёрга мос равишда унинг миқдорини тартибга солишни кўзлайди; ижтимоий мезон – инсоннинг эстетик, маданий-маънавий, илмий ва бошқа жиҳатдан бўлган талаблари (эҳтиёж)га жавоб бериши лозимлигини назарда тутди ва албатта атроф муҳит сифати шундай талабларга жавоб бермоғи лозимдир.

11. Маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг экологик меъёрларга риоя этилиши бўйича ваколатларини таснифланиб, уларнинг сув олиш лимитларига риоя этилиши устидан; атмосфера ҳавосини, ўрмонларни, ҳайвонот ва ўсимлик дунёсини, ер қаърини муҳофаза қилиш соҳасида, табиий ресурслардан оқилона фойдаланишда экологик меъёрларга риоя этилишини таъминлаш бўйича, ўрмон фонди ерларида пичан ўриш ва чорва молларини ўтлатиш нормаларини тасдиқлаш; атмосфера ҳавосининг ҳолатига таъсир кўрсатувчи объектларни қуриш жойларини белгилаш, табиий пичанзорларда ва яйлов жойларда пичан ўриш ҳамда чорва молларни ўтлатиш нормаларини тасдиқлаш ва бошқалар.

12. Шу билан бирга, атроф табиий муҳит сифатини меъёрлашнинг методологияси юзасидан қуйидагича таклифлар билдирилди, яъни: табиатга нисбатан қайси бир ўзгариш унинг ҳолатига хавф туғдиришини баҳолаш; меъёр (норматив)лар атроф муҳитни ифлослантирганлик даражасини камайтириш ёки пасайтиришнинг техник имкониятларига мувофиқ ўрнатилиши; йўл қўйиладиган даражадаги ифлослантириш шундай ўрнатилиши лозимки, унда кетган сарф-ҳаражатлар келиб чиқиши мумкин бўлган зарардан ошиб кетмаслиги; шундай меъёр (норматив)лар ўрнатилиши лозимки, уларнинг ҳар бири бевосита ёки билвосита инсонларга зарарли таъсир кўрсатилишига йўл қўймаслиги зарурдир.

II. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни янада такомиллаштиришга қаратилган таклиф ва тавсиялар:

13. Экологик меъёрлар умумий (ҳамма субъектларга тегишли) ва индивидуал ҳарактерга эга бўлишлиги, ундай талаб қонун ҳужжатларида ўз аксини топмаганлиги ва экологик меъёрлар тизимлаштирилмаганлиги сабабли бундай камчиликни бартараф этиш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг “Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги қонунининг тўртинчи бўлими (14-15 - моддалар) янги таҳрирда баён этилиб, ўз ичига 6 та моддани қамраб олган 4-боб қайтадан номланиши лозимлиги асослантирилган.

14. Ўзбекистон Республикасининг “Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида”ги қонунда ифлослантирувчи моддаларни йўл қўйиладиган даражада чиқариш ёки ташлаш миқдорларини тасдиқлаш ва стационар ифлослантирувчи манбадан ифлослантирувчи моддаларни ташлаш учун рухсатнома бериш жараёни тўлиқ тартибга солинмаганлиги, бунда сувларнинг тозалигига оид қандай меъёрлар белгиланиши, уларни тасдиқлаш тартиби қонунда аниқланмаганлиги ва сувларнинг сифатини меъёрлашга оид илмий ва юридик адабиётларда ўз ўрнини эгаллаган тушунчалар киритилмаганлиги сабабли, бундай камчиликни бартараф этиш мақсадида мазкур қонун “Сувларнинг сифатини меъёрлаш” деб номланувчи янги **74¹ - модда** билан тўлдирилиши лозимлиги асослантирилган.

15. Тупроқлардаги пестицид, гербецид ва минерал ўғитларнинг қолдиғи бўйича йўл қўйиладиган тўпланиш даражаларини аниқлаш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг Ер кодекси ҳамда “Қишлоқ хўжалик экинларни зараркундалар, касалликлар ва бегона ўтлардан ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонунга тегишли ўзгартиришлар киритиш зарурлиги, жумладан, Ер кодексига тупроқларнинг сифатини меъёрлашга оид махсус модда киритилиши лозимлиги, “Қишлоқ хўжалик экинларини зараркундалар, касалликлар ва бегона ўтлардан ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонуннинг 20-моддаси эса, иккинчи қисм билан тўлдирилиши, унда ўсимликларни ҳимоя қилиш воситаларини стандартлаштиришда экологик талаблар ҳисобга олинишини ҳамда ушбу қонуннинг 22 - моддасида эса, ўсимликларни ҳимоя қилиш воситаларини қўллаш меъёрлари тўғрисида қоида белгиланиши лозимлиги асослантирилган.

16. Ўзбекистон Республикасининг “Ўрмон тўғрисида”ги қонунига маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ўрмонга оид муносабатларни тартибга солиш соҳасидаги ваколатларига қўшимча равишда Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси билан биргаликда ўрмонларни муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш соҳасида экологик меъёрларни ишлаб чиқишни ташкил этиши ва тасдиқлаши, унда ўрмондаги ўсимлик ва ҳайвонот дунёси объектларидан фойдаланиш меъёрларини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш ҳамда ушбу нормативларга риоя этилишини назорат қилиш ваколатини қатъий мустаҳкамлаш лозимлиги асослантирилди. Шу билан бирга, ўрмон қўриқчилиги мансабдор шахсларининг ўрмонлардан фойдаланишда экологик меъёрларга риоя этилиши устидан назоратни амалга ошириш ваколатини киритиш лозимлиги, ўрмондан доимий ва вақтинча фойдаланувчиларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари қаторига эса, ушбу соҳада ўрнатилган экологик меъёрларга риоя этиш шартлиги, қолаверса ўрмондан фойдаланиш ҳуқуқини ушбу соҳада ўрнатилган экологик меъёрлар талаби бузилганда бекор қилиниши ва ниҳоят ўрмонларнинг ҳолатига ҳамда уларни такрорий кўпайтиришга таъсир этадиган, ўрмонларни муҳофаза қилиш соҳасидаги экологик меъёрлар ва стандартларга жавоб бермайдиган объект, иншоот ва бошқа қурилмаларни жойлаштириш, лойиҳалаш, қуриш ва ишга тушириш умуман тақиқланиши лозимлиги юзасидан тақлифлар асослаб берилди.

17. Экологик сертификатлаштириш бўйича Ўзбекистон Республикасининг “Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги Қонунининг 46-моддаси асносида экологик сертификатнинг мазмун-моҳияти, тушунчаси ва тизимини ўзида акс эттирувчи норма билан мустаҳкамлаш лозимлиги юзасидан тақлифлар асослантирилди.

18. Ўзбекистон Республикасининг “Маҳсулотлар ва хизматларни сертификатлаштириш тўғрисида”ги қонунининг 1-моддасига асосий тушунчалар қаторига “экологик сертификат” деган тушунча билан тўлдириш тақлифи илгари сурилди. Унга кўра: “Экологик сертификат - сертификатланган маҳсулотнинг белгиланган экологик (ёки атроф табиий муҳитни муҳофаза қилиш) талабларга мувофиқлигини тасдиқлаш учун сертификатлаштириш тизими қоидаларига биноан учинчи шахс – давлат тан олган (аккредитациядан ўтган) орган ёки ташкилот томонидан берилган ҳужжат” деган тақлиф киритилмоқда. Яна, мазкур қонунга “**7¹-модда Экологик сертификат**” деб номланган янги модда киритиш тақлиф этилмоқда (қонун лойиҳа илова қилинади).

19. Ўзбекистон Республикасининг “Ер ости бойликлар тўғрисида”ги қонунига “Ер қаърида ва ер ости бойликларидан фойдаланишда атроф табиий муҳитга йўл қўйиладиган даражада таъсир” деб номланган боб киритиш лозимлиги асослантирилди. Ушбу тақлифда, ер қаъридан ва ер ости бойликларидан фойдаланишда иқтисодий ва экологик жихатдан энг илғор ва инновацион технологияларни жорий этиш мазмунидаги норма мустаҳкамланиши лозимлиги тақлиф этилди. Шу аснода, қуйидаги экологик меъёрлар мустаҳкамланиши зарурлиги асослантирилди, яъни: атроф табиий

муҳит ҳамда ер ости бойликларидан оқилона фойдаланиш талабларини таъминловчи ер ости бойликларини максимал даражада самарали қазиб олиш меъёрлари; атроф табиий муҳит сифати махсус экологик нормативлари (булар нефть маҳсулотларини тупроқда ва бошқа объектларда рекультивация ва бошқа шунга ўхшаш тадбирларни амалга ошираётганда қолган қолдиғига оид меъёрлар); ер қаъридан фойдаланилаётганда атроф табиий муҳит сифатига оид махсус экологик меъёрлар.

20. Ўзбекистон Республикасининг “Чиқиндилар тўғрисида”ги Қонуни ижросини таъминлаш юзасидан йўл қўйилган камчиликларни бартараф этишда, жумладан кончилик, нефть, газ қазиб чиқариш, кўмир ва кимё саноати корхоналарида саноат чиқиндилари ҳосил бўлишини камайтиришда утилизация қилиш, қайта ишлаш ёки такроран фойдаланиш технологияларининг мавжуд эмаслиги аниқ муаммоларни келтириб чиқармоқда, айниқса мамлакат ҳудудида мавжуд қаттиқ маиший чиқиндилар полигонлари экологик талабларга жавоб бермайди. Шу аснода, кончилик ва қайта ишлаш корхоналарининг чиқиндиларини қайта ишлаш ва утилизация қилиш бўйича технологияларни ишлаб чиқиш ҳамда жорий этишни рағбатлантириш, чиқиндиларини жойлаштиришнинг аниқ мезонларини белгилаш билан боғлиқ аниқ қоида ва талабларни ишлаб чиқиш ҳамда унга қатъий риоя қилиниши устидан назоратни янада кучайтиришга қаратилган алоҳида норматив-ҳуқуқий ҳужжат қабул қилиш мақсадга мувофиқдир.

21. Атроф табиий муҳитга йўл қўйиладиган даражадаги таъсир кўрсатиш меъёрларига риоя этилмаганлиги учун жавобгарлик аниқ ва тўлиқ белгиланмаганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 77-моддасига тегишли рухсат олмай туриб ўрмон фонди ерларида пичанзорлар ва яйловларни шикастлантириш, ўзбошимчалик билан пичан ўриш, ушбу ерларда чорва молларини ўтлатиш қоидаларини бузиш учун жавобгарлик белгилангандир. Лекин, пичанзор ва яйловларда пичан ўриш ҳамда чорва молларини ўтлатишнинг чегара ва меъёрларини, яъни нормативларини бузганлик учун жавобгарлик умуман белгиланмаганлиги муносабати билан ушбу нормага атроф табиий муҳитга йўл қўйиладиган даражадаги таъсир кўрсатиш меъёрлари ёки фойдаланиш нормативларига риоя этилмаганлиги учун жавобгарлик киритилиши лозим. Бундай ҳуқуқбузарликлар юридик шахслар томонидан содир этилганлиги учун маъмурий жавобгарлик субъекти этиб фақатгина мансабдор шахслар тан олинishi лозимдир.

22. Ер муносабатларини тартибга солишда халқ хўжалиги объектлари учун ер ажратиш нормативлари (меъёрлари) муҳим аҳамият касб этишини инобатга олиб, маълум турдаги объектларни қуриш учун ажратилиши лозим бўлган ер участкаларининг миқдорлари экологик стандартларда белгиланиши, бундай стандартларни белгилаш имконияти Ўзбекистон Республикасининг Ер кодексида акс этирилиши зарурлиги, шунингдек, тупроқ сифатини меъёрлашга оид махсус модда ҳам киритилиши лозимлиги асослантирилди.

23. Ўзбекистон Республикасининг “Қишлоқ хўжалик ўсимликларини зараркунандалар, касалликлар ва бегона ўтлардан ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонунида ўсимликларни ҳимоя қилиш воситаларини стандартлаштиришда энг аввало, экологик талаблар ҳисобга олиниши ва ўсимликларни ҳимоя қилиш воситаларини қўллаш меъёрлари тўғрисида қоида ва талаблар белгиланиши лозимлиги асослантирилган.

24. Экологик меъёрлашни тўғри йўлга қўйиш учун юридик шахсларга тааллуқли меъёрларни ишлаб чиқиш бўйича услубий қўлланмалар яратилиши, ушбу масалада мутахассислар малакасини оширишга қаратилган ўқув курсларини ташкил этилиши ҳамда экологик тарғибот-ташвиқот ишларини олиб борилиши мақсадга мувофиқ эканлиги асослантирилди.

25. Давлат электрон ахборот тизимини юритиш орқали атроф табиий муҳитга зарарли (ёмон) таъсир кўрсатаётган объектларнинг давлат ҳисобини юритишни такомиллаштириш мақсадга мувофиқдир. Шу аснода, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига меъёрлаштирилиши лозим бўлган зарарли (кимёвий) моддалар, шунингдек атроф табиий муҳитга чиқариш ёки ташлаш тақиқланган моддаларнинг тўла-тўқис мукамал рўйхатини ўрнатиш ваколатини юклатиш лозимлиги таклиф этилмоқда. Ушбу зарарли (кимёвий) моддалар рўйхатни тайёрлаш мезони аниқланиши, атроф муҳит сифатига оид меъёрларни ўрнатишда аввало, инсон саломатлиги каби жиҳатлар инобатга олинмоғи даркорлиги асослантирилди. Шу билан бирга, атроф муҳитга йўл қўйиладиган зарарли моддаларни чиқариш ёки ташлаш меъёрларини ўрнатишда барча талабларни кескин қилиб қўйиш, бу борада зарарли салбий таъсир кўрсатганлик учун тегишли тўловларни ўз вақтида тўламаганлик учун юридик жавобгарликни янада кучайтириш мақсадга мувофиқлиги юзасидан таклиф ва тавсиялар киритилмоқда. Яъни, ушбу жавобгарлик учун жарима миқдори тегишли равишда етказилган зарар миқдори доирасида белгиланиши лозим, албатта бунда, ушбу жарима миқдори тегишли табиатни муҳофаза қилиш чора-тадбирларини амалга оширмаётган, янги технологияларни жорий қилмаётган корхоналар учун оширилган тарзда татбиқ этилиши мақсадга мувофиқ эканлиги асослантирилган.

26. Ҳокимларнинг экология масалалари бўйича биринчи ўринбосарлари лавозимини жорий қилиш ҳамда уларнинг вазифасига атроф муҳитга чиқариладиган зарарли моддаларни экологик нормативларга риоя этган ҳолда ташлаш ва чиқариш устидан назоратни тартибга солиш бўйича вазифаси ҳамда тегишли ҳудудда чиқиндиларни жойлаштириш лимитларига ва бошқа талабларига тўлақонли риоя этилиши устидан назоратни амалга ошириш ваколатини ҳам мустаҳкамлаш мақсадга мувофиқдир.

27. Ҳозирги кунда, мамлакатимизда атроф-муҳит ифлосланишини мониторинг қилиш бўйича мобиль лабораториялар ҳамда замонавий назорат-ўлчов асбоб-ускуналари ёрдамида ишлар ташкил қилинади. Фикримизча, ушбу соҳада сунъий йўлдош навигацияси (GPS, GLONASS, GALILEO)ни ишга тушириш самарали бўлиб, бунда, унинг ёрдамида зарарли моддаларни сув ресурслари, атмосфера ҳавоси ва тупроқларда мавжудлигини аниқлашга

оид маълумотларни тўплаш ҳамда турли зарарли таъсирларни олдини олиш чораларини кўриш имконини беради. Мамлакатимизда сунъий йўлдош орқали алоқалар, космик навигация, космик тадқиқотлар ҳамда ушбу соҳада таълимни ривожлантириш муҳим аҳамиятга эга ҳисобланиб, Ерни масофадан зондлашни амалга ошиш, унда ўсимлик ва ҳайвонот дунёси, сув ресурслари, ер ва ер ости бойликлари, атмосфера ҳавоси ҳамда табиий ҳудудларнинг аҳволи ёхуд ҳолатининг аниқ таснифлаш йўлга қўйилиши лозимдир.

28. Атроф муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида «Экофонд» ахборот тизимини жорий этиш орқали энг устувор лойиҳаларни амалга оширишни кўзловчи бир қаторда стандартларни рақамлаштириш бўйича «**E-Standard**» ҳамда «**E-eco-Standard**» ахборот тизимини кенг жорий этиш, қолаверса ҳазирги пайтда экологик меъёрларни ўзида акс эттирган «**E-eco-normativ**» ахборот тизимини жорий қилиш зарур ҳисобланиб, бунда ушбу соҳадаги барча маълумотларни тўплаш, табиатга зарарли таъсир қилувчи объектлар ҳисобини юритишда, экологик меъёр доирасида чиқариладиган ифлослантирувчи моддаларнинг ҳолати, зарарли таъсир учун тўловларни ундириш механизмини янада такомиллаштиришда, ҳаттоки давлат экологик назоратини амалга ошириш механизмини ривожда муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.07/30.12.2019.Уч.22.01 ПО
ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ТАШКЕНСТКОМ
ГОСУДАРСТВЕННОМ ЮРИДИЧЕСКОМ УНИВЕРСИТЕТЕ**

**ТАШКЕНТСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ ЮРИДИЧЕСКИЙ
УНИВЕРСИТЕТ**

РАЖАБОВ НАРИМАН ШАРИФБАЕВИЧ

**ВОПРОСЫ ПРАВОВОГО РЕГУЛИРОВАНИЯ СИСТЕМЫ
ЭКОЛОГИЧЕСКОГО НОРМИРОВАНИЯ**

12.00.06 – Природоресурсное право. Аграрное право.
Экологическое право

АВТОРЕФЕРАТ
докторской (DSc) диссертации по юридическим наукам

Ташкент – 2023

Тема докторский диссертации (DSc) зарегистрирована Высшей аттестационной комиссией при Кабинете Министров Республики Узбекистан за номером B2021.3. DSc/Yu46.

Докторская диссертация выполнена в Ташкентском государственном юридическом университете.

Автореферат диссертации размещен на трех языках (узбекском, английском, русском (резюме)) на веб-сайте Научного совета (www.tsul.uz) и Портале Информационной образовательной сети «Ziynet» (www.ziynet.uz).

Научный консультант:

Файзиев Шухрат Хасанович
доктор юридических наук, профессор

Официальные оппоненты:

Имомов Нурилло Файзуллаевич
доктор юридических наук, профессор

Сафаров Джахангир Исмаилович,
доктор юридических наук, доцент

Утегенов Онгарбай Дариябаевич,
доктор юридических наук, доцент

Ведущая организация:

Каракалпакский государственный университет имени Бердаха

Защита диссертации состоится 17 января 2023 года в 14:00 часов на заседании Научного совета DSc.07/30.12. 2019.Yu.22.01 при Ташкентском государственном юридическом университете. (Адрес: 100047, г.Ташкент, улица Сайилгох, 35. Тел.: (99871) 233-66-36; факс: (998971) 233-37-48; e-mail: info@tsul.uz).

С докторской диссертацией (DSc) можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ташкентского государственного юридического университета (зарегистрировано за №1095). (Адрес: 100047, г.Ташкент, ул. А.Темура, 13. Тел.: (99871) 233-66-36).

Автореферат диссертации разослан 4 января 2023 года.

(протокол реестра № 20 от 4 января 2023 года).

И.Р.Рустамбеков

Председатель Научного совета по присуждению ученых степеней, доктор юридических наук, профессор

Д.Ю.Хабибуллаев

Научный секретарь Научного совета по присуждению ученых степеней, кандидат юридических наук, профессор

С.С.Гулямов

Председатель Научного семинара при Научном совете по присуждению ученых степеней, доктор юридических наук, профессор

ВВЕДЕНИЕ (Аннотация докторской диссертации)

Актуальность и востребованность темы диссертации. В мире решение экологических проблем признано одной из важнейших комплексных и приоритетных задач, стоящих перед человечеством. Полное истощение экологической системы, пренебрежение природной средой, всеобъемлющее преобладание экономических интересов в нынешних условиях глобализации, использование природных ресурсов без научного обоснования и без границ в конечном итоге привели к негативному изменению состояния окружающей природной среды. Усвоение человечеством благ природы послужило удовлетворению их потребностей, а с другой стороны, привело к тому, что богатства природы уменьшаются с течением времени.

В мире в результате влияния человечества произошли негативные изменения во всех частях природной среды, что, в свою очередь, оказало серьезное влияние на здоровье человека, так сказать, из-за нарушений законов природы человеческая наследственность также подверглась разрушению.

В нашей республике также информация о состоянии природных богатств, а также о нехватке воды, засолении земель, истощении флоры и фауны, загрязнении атмосферного воздуха и воды являются наглядными примерами этого. Более того, ущерб, нанесенный природе человеком, является признаком того, что человечество начало безжалостно использовать природу для собственной выгоды.

Как отмечает Президент Ш.Мирзиёев, «Экологические проблемы, стоящие на повестке дня, приобретают особую актуальность. Такой формат позволяет продвигать проекты по адаптации к изменению климата, бороться с опустыниванием и деградацией почв, повышать эффективность сотрудничества во внедрении водосберегающих технологий. Этот вопрос имеет особую актуальность с точки зрения устранения разрушительных последствий экологической трагедии Аральского моря», - признает он.

Кроме того, ущерб, причиненный человеком природе, говорит о том, что он начал неумолимо использовать природу в интересах человечества. Основной причиной возникших негативных последствий является использование богатств природы без научного обоснования, без соблюдения каких-либо границ, пределов или норм, невыполнение требований по охране окружающей среды. То есть, природопользование сверх пределов экологических нормативов приводит к грубому нарушению существующих законодательных норм на основании того, что оказывает вредное воздействие на природу. Чтобы устранить такие проблемы, необходимо усовершенствовать правовые механизмы экологического нормирования. Решить эти проблемы возможно только при правильной организации экологического нормирования.

Экологическое нормирование важно, как один из превентивных механизмов обеспечения экологической безопасности. Действительно, каждое государство ставит перед собой цель необходимости эффективного

использования природных ресурсов, установления ограничений, условий и норм на допустимом уровне антропогенного воздействия на окружающую среду исходя из особенностей природы. Одним из наиболее приоритетных направлений экологического нормирования является разработка системы экологического нормирования, установление требований, ограничений, которые являются уникальными для всех видов экономической и иной деятельности, и обеспечение ее реализации.

Экологическое нормирования признано ключевым вопросом в формировании экологической безопасности. В частности, каждое государство стремится обеспечить эффективное использование природных ресурсов, установление допустимых пределов, условий и норм антропогенного воздействия на окружающую среду, исходя из конкретных характеристик природы. Одним из приоритетов экологического регулирования является развитие системы экологического регулирования, установление требований и ограничений, общих для всех хозяйственных и иных субъектов, и обеспечение их реализации.

Исследование данной диссертации основано на законах Республики Узбекистан «Об охране природы» (1992 г.), «О стандартизации» (1993 г.), «О сертификации продукции и услуг» (1993 г.), Земельный кодекс (1998 г.), Указы Президента Республики Узбекистан от 28 января 2022 года № УП-60 «О Стратегии развития Нового Узбекистана на 2022 – 2026 год», № УП-5863 от 30 октября 2019 года, № УП-5024 от 21 апреля 2017 года «О совершенствовании системы государственного управления в сфере экологии и охраны окружающей среды», № УП-5953 от 2 марта 2020 года «О Государственной программе по реализации Стратегии действий по пяти приоритетным направлениям развития Республики Узбекистан в 2017-2021 годах в «Год развития науки, просвещения и цифровой экономики» и другие соответствующие законодательство в определенной степени служит реализации данного диссертационного исследования.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики. Данная исследовательская работа выполнена в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий республики I. «Формирования системы инновационных идей и способов их реализации в социальном, правовом, экономическом, культурном, духовном и образовательном развитии информированного общества и демократического государства».

Обзор зарубежных научных исследований по теме диссертации¹. Эколого-правовые исследования в сфере совершенствования системы экологического нормирования проводятся в таких ведущих научных центрах и высших образовательных учреждениях, как National Institute of Justice, Southwest University (США), Oxford University, Cambridge University,

¹ Комментарии зарубежных научных исследований по теме диссертации: <https://www.cam.ac.uk>; <https://www.wessex.ac.uk>; <https://www.utoronto.ca>; <https://www.web.mit.edu>; <https://www.uniroma1.it>; <https://www.uniroma3.it>; <http://www.osaka-u.ac.jp/en/index.html>; <http://www.kindai.ac.jp/english/>; <http://www.iuac.res.in>; <http://www.unvienna.org>; <http://www.pku.edu.cn>; <http://www.msu.ru>; <http://www.spb.ru>.

Manchester University, Centre for Environmental Policy Imperial College London (Великобритания), Humboldt Universitat, The University of Applied Sciences Mittweida (Германия), The University of Sorbonne (Франция), Kyoto University (Япония), National University of Seoul (Южная Корея), IUCN Academy of Environmental Law, Yale Center for Environmental Law and Policy, Odum School of Ecology University of Georgia, Massachusetts Institute of Technology, Indiana University (США), Warsaw University of Life Sciences (Польша), Uppsala universitet, Stockholm Environmental Law and Policy Centre (Швеция), Utrecht University, University of Groningen, Maastricht University (Нидерландия), The Centre for Environmental Law (Индия), Centre for Environmental Law Macquarie University (Австралия), Academy of European Law (Венгрия), Tartu Ülikool, Estonian Environmental Law Centre (Эстония), Московский государственный университет (Россия), Международный государственный институт экологии Беларусского государственного университета (Беларусь), Ташкентский государственный юридический университет.

В результате научных исследований, проведенных в области нормирования использования и охраны природных ресурсов в мире, особенности правового регулирования системы экологического нормирования, раскрыта сущность понятия экологического нормирования (Southwest University, University of Illinois, Institute Zurich), этапы развития нормативно-правовой базы системы экологического нормирования (National University Australia), современное состояние и перспективы развития системы экологического нормирования (Paris Lodron Universität Salzburg), деятельность Национального института юстиции, области сотрудничества между бизнесом и институтами гражданского общества в процессе экологического нормирования (University of Sannio, Waseda University, Griffith University), необходимость регулирования в этой области воздействия на окружающую среду и качества окружающей среды и подтверждены.

